#### **4.12. ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ИЖТИМОЙ КАФОЛАТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА БУ СОҲАНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ**

Педагогик фаолиятнинг обрў-эътиборини ва ижтимоий мақомини ошириш юзасидан давлат сиёсати рўёбга чиқарилади. Таълим олувчиларнинг ва педагогларнинг ўқиши, соғлиги ва дам олиши учун зарур шароитлар яратилади.

Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш органлари болалар ҳамда ўқувчи ёшларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўради. Ўқув-тарбия жараёнининг соғломлаштиришга қаратилган йўналишини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш учун шароитлар таъминланади. Таълим олувчиларнинг тиббий-гигиена маданиятини ошириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт бобидаги фаоллигини кучайтириш ҳамда жисмоний камолот даражасини ошириш учун ташкилий-услубий ёндашувлар такомиллаштирилади. Соғлиқ ва ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун муносиб муҳит яратилади.

#### **4.13. ФАН БИЛАН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ АЛОҚАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор амалий илмий тадқиқотлар ўтказилади, таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ келишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий тадқиқотлар ва илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш фаоллаштирилади. Фундаментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрларнинг таълим жараёнидаги иштироки рағбатлантирилади, педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларининг алоқаси таъминланади. Ёшларнинг фан-техника соҳасидаги ижодкорлиги ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

#### **4.14. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини (марказларини) ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш рағбатлантирилади. Кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий-технологик ечимлар яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш қўллаб-қувватланади. Илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб борилади.

намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилади.

#### 4.6. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ

Узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилади. Барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ белгиланади. Таълимнинг норматив-ҳуқуқ базаси ривожлантирилади. Молия-ҳўжалик фаолияти олиб бориш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ўқув юртларининг ҳуқуқлари кенгайди ва мустақиллиги таъминланади. Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади ҳамда аккредитацияланади. Аккредитация якунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Муассис ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг ва ҳомийларнинг вакилларини ўз ичига олувчи васийлик ва қузатув кенгашлари тузиш орқали таълим муассасаларининг самарали жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

#### 4.7. КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Таълим бошқаруви органларига боғлиқ бўлмаган, касб-ҳунар таълими сифатини аттестациядан ўтказувчи давлат хизмати ташкил этилади. Мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истикбол талабларига монанд давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади, ўқув юртлари фаолиятини, профессор-педагог кадрлар сифатини ҳамда таълим олувчиларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими тadbик этилади. Кадрларни тайёрлаш сифатини назорат қилишнинг давлат ва жамоат шакллари ривожлантирилади. Таълим муассасалари битирувчиларини якуний аттестациялаш тизими такомиллаштирилади.

#### 4.8. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШ

Таълимни ва кадрлар тайёрлашни молиялаш тизими такомиллаштирилади, унинг кўп вариантли (бюджетдан ажратиладиган ва бюджетдан ташқари манбалардан) тизими жорий этилади, таълим муассасаларининг ўзини ўзи пул билан таъминлаши ривожлантирилади, хусусий ҳамда чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этиш рағбатлантирилади.

Республика фуқаролари учун кейинчалик уларни тўлашнинг мослашувчан тизимига асосланган таълим кредитлари бериш механизми шакллантирилади. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийларнинг мавқеи кучайиб боради.

Пулик таълим хизматлари кўрсатиш, тadbиркорлик, маслаҳат, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий ҳамда уставда белгилаб қўйилган вазифаларга мувофиқ бошқа тарздаги фаолият ҳисобидан таълим муассасаларининг даромадлари кўпайиши таъминланади.

#### 4.9. МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ

Ҳар бир минтақанинг демографик ва жуғрофий хусусиятларидан келиб чиқиб, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари тармоғи барпо этилади. Таълим олувчиларни оиладан ажралмаган ҳолда ўқишга имкон қадар кўпроқ камраб олинади.

Мавжуд таълим муассасаларини капитал таъмирлаш ва янги таълим муассасалари қуриш, уларни норматив талабларга мувофиқ, замонавий техника ва технологияларнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда жиҳозланишини таъминлаш чоралари қўрилади.

Ўқув-тарбия муассасаларини зарур ускуналар, инвентарлар, ашёлар, таълимнинг техникавий, дастурий ва дидактик воситалари билан жиҳозлаш юзасидан ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш қўллаб-қувватланади. Барча босқичдаги таълим жараёнларини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш амалга оширилади.

## ГУМАНИТАР ЖУРНАЛИСТИКА

### Кириш

Мазкур курс талабаларга ОАВда гуманитар масалаларнинг ёритилиши, инсон ҳуқуқлари масаласи билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар олиб бориш кўникмалари ҳақида тушунча беради. Курс доирасида эътибор миллий ва халқаро даражадаги сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилишга, ушбу йўналишда ОАВ учун ижодий материал тайёрлаш методикасига қаратилади.

### Фаннинг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад талабаларда жамиятда барқарор ёки таназул вазиятларда инсон ҳуқуқларини таъминлашда ОАВ ўрни ҳақида тушунча ва билимлар бериш ҳамда ушбу йўналишда материал тайёрлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифалари талабаларда инсон ҳуқуқлари журналистикасининг тарихий ва концептуал асослари ҳақида яхлит тасаввурлар ҳосил қилиш, журналист суриштируви ва гуманитар журналистиканинг назарий асослари, ҳуқуқ ва этика гуманитар журналистиканинг таркибий қисми сифатида юзага келиши билан боғлиқ масалалар, гуманитар таназуллар жараёнида ОАВда учрайдиган стереотиплар, улар воситасида манипуляция қилиш ва уларни ёритишда бирёқламалик муаммоси, шунингдек, гуманитар журналистика билан боғлиқ хавф-хатарларни ўргатишдан иборат.

### Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Ушбу фан доирасида талаба:

– инсон ҳуқуқлари журналистикасининг тарихий ва назарий асослари, инсон ҳуқуқлари мавзусида журналист материали тайёрлаш жараёни, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Хартияси, гуманитар журналистикада суриштирув аҳамияти, гуманитар журналистиканинг ҳуқуқий ва этика жиҳатлари, гуманитар таназулларни ёритишда ОАВда учрайдиган стереотиплар, гуманитар таназулларда манипуляция ва уларни ёритишда бирёқламалик масаласи, гуманитар интервенциянинг сиёсий иқтисоди, гуманитар журналистика билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳақида *тасаввурларга эга бўлиши керак;*

– инсон ҳуқуқлари журналистикасининг тарихий ва назарий асосларини, инсон ҳуқуқларига мавзусида журналист материали тайёрлаш жараёнини, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Хартиясини, гуманитар журналистикада суриштирув аҳамиятини, гуманитар журналистиканинг ҳуқуқий ва этика жиҳатларини, гуманитар таназулларни ёритишда ОАВда учрайдиган стереотипларни, гуманитар таназулларда манипуляцияси ва уларни ёритишда бирёқламалик масаласини, гуманитар интервенциянинг сиёсий иқтисодини, гуманитар журналистика билан боғлиқ хавф-хатарларни *билиши ва улардан фойдалана олиши керак;*

– инсон ҳуқуқлари журналистикасининг тарихий ва назарий асосларини қўллаш олиш, инсон ҳуқуқлари мавзусида журналист материали тайёрлай олиш, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Хартиясидан фойдалана олиш, гуманитар журналистикада суриштирув имкониятларидан фойдалана олиш, гуманитар журналистиканинг ҳуқуқий ва этика жиҳатларини қўллаш олиш, гуманитар таназулларни ёритишда ОАВда учрайдиган стереотипларни, гуманитар таназулларда манипуляция ва уларни ёритишда бирёқламалик ҳолатларини аниқлай олиш, гуманитар интервенциянинг сиёсий иқтисодини қўллаш олиш, гуманитар журналистика билан боғлиқ хавф-хатарларни аниқлай олиш *кўникмаларга эга бўлиши керак;*

– инсон ҳуқуқлари журналистикасининг тарихий ва назарий асосларидан фойдаланиш, инсон ҳуқуқлари мавзусида журналист материали тайёрлаш, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Хартиясини қўллаш, гуманитар журналистикада суриштирув ўтказиш, гуманитар журналистиканинг ҳуқуқий ва этик жиҳатларини қўллаш, гуманитар таназулларни ёритишда ОАВда учрайдиган стереотипларни баҳолаш, гуманитар таназулларда манипуляция ва уларни ёритишда бирёқламалик ҳолатларини таҳлил қилиш, гуманитар интервенциянинг сиёсий иқтисодини қўллаш, гуманитар журналистика билан боғлиқ хавф-хатарларни бартарф этиш *малакаларига эга бўлиши керак.*

#### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

“Гуманитар журналистика” фани ихтисослик фани ҳисобланади. Мазкур дастурни амалга ошириш ЎзМУда 5220100 – Журналистика (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги гуманитар ва ижтимоий иқтисодий (ҳуқуқшунослик), умумқасбий (жамоатчилик билан алоқалар ва реклама), танлов (журналист маҳорати)” фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

5A220101-Журналистика (газета ва журналлар) магистратура мутахассислиги ўқув режасида режалаштирилган умумметодологик (психология), мутахассислик (ҳуқуқий журналистика) ва сиёсат ва журналистика) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади (ЎзДЖТУ халқаро журналистика ва ҚҚДУ журналистика бўлими бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари ўқув режаларидаги тегишли фанлар ҳисобга олинади).

#### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

“Гуманитар журналистика” фани бўлажак мутахассисда гуманитар таназзуллар мазмунини, уларни ОАВда ёритиш бўйича зарур кўникма ва малакаларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ушбу курс ОАВ соҳасининг ажралмас бўғини ҳисобланади.

#### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талаба “Гуманитар журналистика” фанини ўзлаштириши учун инновацион усуллардан фойдаланиши, янги педагогик, ахборот ва Интернет технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, модуль топшириқлари, таркатма материаллар, мультимедиа воситалари)дан фойдаланиш тавсия этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда турли усул ва воситалардан, хусусан, баҳс-мунозара, лойиха тузиш, ролли ва дидактик ўйинлар, кейс-стади, кичик гуруҳларда ишлаш, тақдирот ўтказиш, шунингдек, компьютер дастурларидан, Интернет тизимларидан фойдаланиш кўзда тутилади.

#### **Асосий қисм**

##### **Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни.**

##### **“Гуманитар журналистика” фанининг мазмуни, предмети ва методи**

Фаннинг мазмуни. Гуманитар журналистикани ўрганиш зарурати. Гуманитар журналистиканинг асосий масалалари. Фаннинг предмети ва объекти. Фаннинг методи ва унинг элементлари. “Гуманитар журналистика” фанида хусусий методларнинг қўлланиши.

##### **Инсон ҳуқуқлари журналистикасининг тарихий ва концептуал асослари**

Гуманитар журналистиканинг юзага келиши. 19-асрда Джемс Грилменнинг бунга қўшган ҳиссаси. Унинг чиқишларида “сарик” журналистика, ахлоқ ва ишонч ўртасидаги мувозанат таъминланганлиги.

##### **Инсон ҳуқуқлари мавзусидаги журналист материали ва гуманитар журналистика**

Гуманитар журналистиканинг мақсади ва вазифалари. Унинг уруш ёки инсон ҳуқуқларига оид материаллардан фарқи. Унинг глобал журналистикадан фарқи. Гуманитар журналистика назарияси ва амалиётининг аҳамияти.

##### **Гуманитар журналистика ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Хартияси**

БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид конвенциялари ва резолюцияларининг гуманитар журналистика ривожланишига таъсири. Сўз ва фикр эркинлиги ҳуқуқининг гуманитар журналистикадаги ифодаси. Сўз эркинлиги гуманитар инкирозлар шароитида вазиятни

#### **4.2. ПЕДАГОГ ВА ИЛМҲИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ**

Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизими вужудга келтирилади. Педагог кадрларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, рақобатбардош даражада уларнинг касб сифатини қўллаб-қувватлаш таъминланади.

Олий таълим муассасаларида давлат таълим стандартларига мос юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш бўйича махсус факультетлар, шунингдек республика вилоятларида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими учун ўқитувчилар ва мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш юзасидан махсус марказлар ташкил этилади.

#### **4.3. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ МАЗМУНАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ**

Кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш миллий тикланиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, халқнинг бой миллий, маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмуни давлат таълим стандартлари асосида ислоҳ қилинади. Таълим оловчининг шахсига, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёкни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний кадр-қиммат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади.

Педагог кадрларнинг обрў-эътибори, масъулияти ва касб кўникмасини ошириш юзасидан собитқадам давлат сиёсати олиб борилади. Илғор педагогик технологиялар, таълимнинг янги шакл ва услублари, ўқув, шу жумладан дифференциялашган дастурлар амалиётга жорий этилади.

#### **4.4. МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ВА МАЪРИФИЙ ИШЛАР**

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари ота-оналар, оила, маҳалла кўмиталари, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, жамоат ташкилотлари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиладилар.

*(4.4-бандининг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2007-йил 9- апрелдаги ЎРҚ-87-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2007-й., 15-сон, 150-модда)*

#### **4.5. ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР ВА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР**

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва ўқитиш услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитлари яратилади, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шаклланади. Махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар ишлаб чиқиш учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилинади, ўқув-тарбия жараёнида уларнинг фаол иштироки таъминланади. Фан ва техникани, сиёсат ва иқтисодиётни, маданият ва санъатни ўргатиш марказлари қабилдаги ҳамда миллий (элита) таълим муассасалари ташкил этилади.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни чет элларда умумий ва касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган собитқадам фаолият амалга оширилади. Академик лицейларнинг ўқувчиларига, биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини



муассис, васий, донор, хомий тариқасида айрим мутахассисларни ва гуруҳларни мақсадли тайёрлашни, шунингдек турли тип ва даражадаги ўқув юр்தларини молиялашда қатнашади;

таълим ва илм-фаннинг турли шакллардаги интеграциясини (муваққат ижодий жамоалар, ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуалари, марказлари, технопарклар, технополислар) ривожлантиради.

Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги мавқеини кучайтириш қуйидаги йўллар билан таъминланади:

таълимни қархонадаги унумли меҳнат билан, шу жумладан ишлаб чиқариш амалиёти жараёнидаги меҳнат билан қўшиб олиб бориш асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

кадрлар тайёрлаш ҳамда биргаликда илмий-технология ишланмаларини олиб боришда қархоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш;

таълим оловчиларни меҳнат жамоаларида тарбиялаш (меҳнат, маънавий ва жисмоний тарбиялаш);

ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжларини инобатга олиб, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг янги йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва технология муаммоларини ҳал этиш учун олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг илмий салоҳиятини жалб этиш;

педагог кадрларнинг илғор технологиялар соҳасидаги малакасини бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам ошириб бориш;

ишлаб чиқаришнинг юқори малакали кадрларини таълим жараёнига ва педагогик фаолиятга жалб этиш;

ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш учун таълим оловчиларни иш жойлари билан таъминлаш;

ўзаро интеграцияланган таълим муассасаларини замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш.

#### **4. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш қуйидаги устувор йўналишларни қамраб олади:

##### **4.1. ТАЪЛИМНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Таълимнинг ўз ичига мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини қамраб оловчи янги узлуксиз ва изчил тизими барпо этилади. Олий касб-хунар таълимининг бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни назарда тутувчи икки босқичли тизими жорий этилади. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими ривожланиб боради. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича рақобатбардош таълим муассасалари вужудга келтирилади.

*(4.1-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013-йил 7- октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2013- й., 41-сон, 543-модда)*

Таълим муассасаларини худудий йўналишга ўтказиш ва таркибий тузилмасини ўзгартириш иши амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мониторинги амалга оширилади.

Узлуксиз таълим тизими учун педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш устуворлиги таъминланади.

барқарорлаштириш ёки бутунлай издан чиқариш омили сифатида. Бунда ахборот хуружларининг таъсири.

##### **Журналист инсон ҳуқуқларининг “қўриқчиси” сифатида**

Журналистнинг инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишдаги роли, уларни амалга оширишдаги иштироки, камситишга йўл қўймаслиги. Журналистнинг гендер, болалар, саломатлик, шу жумладан ОИВ, ОИТС, одам савдоси, экология масалаларини, қамокда сақлаш шароитлари, қийноқлар, этник низолар, геноцид, қашшоқлик, очлик ва иммиграция жараёнларини миллий ва глобал доирада баҳолашдаги ўрни. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда журналист фаолиятидаги беш тамойилнинг аҳамияти.

##### **Журналист суриштируви ва гуманитар журналистика**

Гуманитар инқирозларни ёритишда журналист суриштирувининг имкониятлари. Гуманитар инқирозларни ёритувчи сара суриштирув материалларининг таҳлили.

##### **Журналист нейтрал ёки маънавий гувоҳ сифатида**

Гуманитар инқирозлар шароитида журналист нейтрал гувоҳ бўлишининг афзалликлари ва салбий жиҳатлари. Инсон ҳуқуқлари поймол бўлаётган, айниқса жиноятлар содир бўлаётган ҳолатларда журналист маънавий гувоҳ сифатида дуч келадиган тўсиқлар.

##### **Ҳуқуқий, ахлоқий ва тузилмавий даъватлар гуманитар журналистика таркибида**

Гуманитар инқирозлар шароитида журналист дуч келадиган ҳуқуқий, ахлоқий ва тузилмавий зиддиятлар. Африка, Шимолий Америка ва Яқин Шарқдаги можаролар доирасидаги ифодалар таҳлили. Гуманитар масалалар билан шуғулланувчи журналист фаолиятида қонунчилик мазмунидаги тўсиқлар. Инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларида гуманитар журналист фаолиятида юз берадиган ахлоқий вазиятлар ва дилеммалар. Янгиликлар сиёсати ва ижтимоий тузилманинги гуманитар журналист фаолиятига салбий таъсири.

##### **Гуманитар инқирозларни ёритишда ОАВда учрайдиган стереотиплар, манипуляция ва бирёқламлик масаласи**

ОАВда учрайдиган стереотиплар, манипуляция ва мавзуни ёритишдаги бирёқламлик ҳолатлари таҳлили. Атроф муҳит инқирозларига оид ОАВ материалларида ушбу омилларнинг ифодаси. Мураккаб гуманитар инқирозлар шароитида стереотиплар, манипуляция ва мавзуни ёритишдаги бирёқламликнинг аудиторияга таъсири.

##### **Журналистика ва гуманитар интервенциянинг сиёсий иқтисоди**

Гуманитар интервенциянинг сиёсий-иқтисодий мазмуни, унинг гуманитар журналистика фаолиятига таъсири. Гуманитар интервенциянинг сиёсий иқтисодида сиёсий ва фуқаролик жамияти элитасининг ўрни. Ҳарбий тўқнашувлар жараёнида гуманитар журналистика сифатига миллий манфаатлар, ахборотни узатиш нуқталари ва маблағ жамғармаларнинг таъсирига оид кейслар таҳлили.

##### **Янги ОАВ ва гуманитаризмда жамоатчилик билан алоқалар**

Инқироз ҳолатига тушган аҳолини қувватлаш учун маблағ тўплаш кампаниясини ўтказишда янги медиаларнинг аҳамияти. Қўринмас Болалар ташкилотининг болаларга нисбатан зўравонликка қарши курашида, 2012 йилда Уганда исёнчилари етакчиси Жозеф Конининг ижтимоий тармоқлар орқали видеоматериаллар узатиши воситасида жамоатчилик алоқаларининг самарадорлиги. Араб Баҳори жараёнида гуманитар журналистика доирасида фуқаролик журналистикаси ва ижтимоий тармоқлар фаолияти. Онлайн платформаларда гуманитар журналист дуч келадиган ҳуқуқий ва ахлоқий тўсиқлар.

### **Гуманитар журналистика билан боғлиқ хавф-хатарлар**

Гуманитар инкирозлар шароитида журналист дуч келадиган хавф-хатарлар мазмуни. Қизил Хоч ва бошқа халқаро ташкилотлар фаолиятини ёритиш. Гуманитар инкирозларни бартарф этишда халқаро ҳуқуқ таъсирини ОАВда ёритиш, бунда учрайдиган хавф-хатарлар.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш орқали талабалар билимини ошириш ва бошқалар тавсия этилади.

Бундан ташқари, амалий машғулотларда турли ОАВ материаллари таҳлилин амалга ошириш, ушбу йўналишда ижодий фаолият олиб бораётган таниқли журналистлар маҳоратини ўрганиш асосида ўз ижодий материалларини тайёрлаш ва муҳокама қилиш кўзда тутилган.

### **Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати**

1. Гуманитар журналистиканинг юзага келиши. 19- асрда Джемс Грилменнинг бунга қўшган ҳиссаси.
2. Гуманитар журналистиканинг мақсад ва вазифалари. Гуманитар журналистика назарияси ва амалиётининг аҳамияти.
3. БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид конвенциялари ва резолюцияларининг гуманитар журналистика ривожланишига таъсири. Сўз ва фикр эркинлиги ҳуқуқининг гуманитар журналистикадаги ифодаси. Сўз эркинлиги гуманитар инкирозлар шароитида вазиятни барқарорлаштириш ёки бутунлай издан чиқариш омили сифатида. Бунда ахборот хуружларининг таъсири.
4. Журналистнинг инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишдаги роли, уларни амалга оширишдаги иштироки, камситишга йўл қўймаслиги. Журналистнинг гендер, болалар, саломатлик, шу жумладан ОИВ, ОИТС, одам савдоси, экология масалаларини, қамқоқда сақлаш шароитлари, қийноқлар, этник низолар, геноцид, қашшоқлик, очлик ва иммиграция жараёнларини миллий ва глобал доирада баҳолашдаги ўрни.
5. Гуманитар инкирозларни ёритишда журналист суриштируви имкониятлари.
6. Гуманитар инкирозлар шароитида журналист нейтрал гувоҳ бўлишининг афзалликлари ва салбий жиҳатлари.
7. Гуманитар инкирозлар шароитида журналист дуч келадиган ҳуқуқий, ахлоқий ва тузилмавий зиддиятлар. Африка, Шимолий Америка ва Яқин Шарқдаги можаролар доирасидаги ифодалар таҳлили. Гуманитар масалалар билан шуғулланувчи журналист фаолиятида конунчилик мазмунидаги тўсиқлар. Инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларида гуманитар журналист фаолиятида юз берадиган ахлоқий вазиятлар ва дилеммалар. Янгиликлар сиёсати ва ижтимоий тузилманинг гуманитар журналист фаолиятига салбий таъсири.
8. Гуманитар инкирозларни ёритишда ОАВда учрайдиган стереотиплар, манипуляция ва бирёқламалик масаласи.
9. Гуманитар интервенциянинг сиёсий-иқтисодий мазмуни, унинг гуманитар журналистика фаолиятига таъсири. Гуманитар интервенциянинг сиёсий иқтисодида сиёсий ва фуқаролик жамияти элитасининг ўрни. Ҳарбий тўқнашувлар жараёнида гуманитар журналистика сифатига миллий манфаатлар, ахборотни узатиш нуқталари ва маблағ жамғармаларнинг таъсирини оид кейслар.
10. Янги ОАВ ва гуманитаризмда жамоатчилик билан алоқалар. Жозеф Конининг ижтимоий тармоқлар орқали видеоматериаллар узатиши воситасида жамоатчилик алоқаларининг самарадорлиги. Араб Баҳори жараёнларида гуманитар журналистика доирасида фуқаролик журналистикаси ва ижтимоий тармоқлар фаолияти.
11. Гуманитар журналистика билан боғлиқ хавф-хатарлар.
12. Гуманитар инкирозларни бартарф этишда халқаро ҳуқуқ таъсирини ОАВда ёритиш, бунда учрайдиган хавф-хатарлар.

ҳунармандчилигининг мавжуд турлари ва шакллари тақомиллаштириш, миллий турлари ва шакллари тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш.

### **3.4. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА ФАН**

Кадрлар тайёрлаш миллий модели салмоқли элемент сифатида фанни ўз ичига олади, бу соҳада:

табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланади, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижалар жамланади;

олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади;

кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқот жиҳатидан таъминлаш инфраструктураси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базаси шакллантирилади;

мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинув амалга оширилади.

Кадрлар тайёрлаш тизимига илм-фаннинг узвий равишда кириб бориши учун қуйидагилар зарур:

илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

илғор ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш учун экспериментал майдончалар барпо этиш орқали илмий тадқиқотлар натижаларини ўқув-тарбия жараёнига ўз вақтида жорий этиш механизмининг рўёбга чиқариш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини самарали тарзда бажаришни таъминлаш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ёшларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар даражасини баҳолашга замонавий ёндашувни рўёбга чиқариш, илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар натижалари тижоратлашуви асосида олимларнинг обрў эътибори ва ижтимоий мақомини ошириш;

мамлакат илм-фанининг халқаро илмий ҳамжамиятга интеграциясини фаоллаштириш, таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашни тақомиллаштириш мақсадида илмий ютуқлар ва олимлар билан ўзаро алмашинув жараёнини кучайтириш;

фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, талабалар ва ёш олимларнинг илмий ютуқлари учун махсус мукофотлар ва совринлар таъсис этиш, махсус стипендиялар сонини кўпайтириш, ёшлар илмий-техника ижодиётининг доимий ишлайдиган кўрғазма ва экспозицияларини ташкил этиш.

### **3.5. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**

Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиради, касб тайёргарлигининг мақсади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг мувозий технологиялари ва шакллари танлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш пировард натижада кадрларнинг сифати ва рақобатбардошлигига баҳо беради.

Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги вазифалари қуйидагилар билан белгиланади, чунончи у:

турли савия ва малакадаги мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжни шакллантиради;

ўз ихтиёридаги моддий-техника, молия, кадр ресурслари ҳамда кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун зарур бошқа ресурсларни бериш билан узлуксиз таълим тизимига қўмақлашади;

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

«Таълим тўғрисида»ги Қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

касб таълими тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илғор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

ривожланган мамлакатларнинг илғор таълим муассасалари ва илмий марказларида устувор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиб бериш;

фан, технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

### **КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ**

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятида янги таркиб, мазмун ҳамда бу тизимни бошқаришни шакллантириш;

юқори малакали ўқитувчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг бу соҳада рақобатга асосланган муҳитни шакллантиришни ва самарали фаолият олиб боришни таъминловчи норматив базасини яратиш;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот ва муассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва мутахассисларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминловчи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

профессional тренингнинг илғор технология ва ускуналарини, шунингдек мураккаб, фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш.

### **МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ**

Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, яқка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тузилмаси ва мазмун-мундарижасини такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини кўпайтириш;

миллий педагогик қадриятларга асосланган ва жаҳондаги илғор тажрибани инobatта олувчи дастурлар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмнинг, халқ

*Изоҳ:* Мазкур рўйхатдаги мавзулардан талаба 7-8-тасини ўзлаштириш шарт. Улардан амалий машғулотлар учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил ишни ташкил этишда унга мўлжалланган ҳар бир бўлим бўйича адабиётлар талаба томонидан ўрганилиши, мустақил иш учун мўлжалланган назарий ва амалий билим мавзуларини ўзлаштириш, ҳар бир бўлим бўйича берилган топшириқларнинг талаба томонидан бажарилиши талаб қилинади. Жараён ўқитувчи томонидан узлуксиз назорат қилинади.

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

– мавзуларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

– мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;

– семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;

– матбуот материаллари билан ишлаш, уларни таҳлил қилиш, шарҳлаш;

– фан доирасида ўз ижодий чиқишларини тайёрлаш;

– илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш;

– фаннинг долзарб муаммоларини қамраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;

– назарий билимларни амалиётда қўллаш;

– амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;

– ўрганилаётган мавзу бўйича асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш талаба томондан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Фан бўйича ўқув адабиётларни ўрганиш, амалий машғулотларга тайёрланиш.
2. Гуманитар журналистиканинг юзага келиши. 19- асрда Джемс Грилменнинг бунга қўшган ҳиссаси. Гуманитар журналистика мақсади ва вазифалари. Гуманитар журналистика назарияси ва амалиётининг аҳамияти.
3. БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид конвенциялари ва резолюцияларининг гуманитар журналистика ривожланишига таъсири. Сўз ва фикр эркинлиги ҳуқуқининг гуманитар журналистикадаги ифодаси. Сўз эркинлиги гуманитар инқирозлар шароитида вазиятни барқарорлаштириш ёки бутунлай издан чиқариш омили сифатида. Бунда ахборот хуружларининг таъсири.
4. Журналистнинг инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишдаги роли, уларни амалга оширишдаги иштироки, камситишга йўл қўймаслиги. Журналистнинг гендер, болалар, саломатлик, шу жумладан ОИВ, ОИТС, одам савдоси, экология масалаларини, қамоқда сақлаш шароитлари, қийноқлар, этник низолар, геноцид, қашшоқлик, очлик ва иммиграция жараёнларини миллий ва глобал доирада баҳолашдаги ўрни.
5. Гуманитар инқирозларни ёритишда журналист суриштируви имкониятлари.
6. Гуманитар инқирозлар шароитида журналист нейтрал гувоҳ бўлишининг афзалликлари ва салбий жиҳатлари.
7. Гуманитар инқирозлар шароитида журналист дуч келадиган ҳуқуқий, ахлоқий ва тузилмавий зиддиятлар. Африка. Шимолий Америка ва Яқин Шарқдаги можаролар доирасидаги ифодалар таҳлили. Инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларида гуманитар журналист фаолиятида юз берадиган ахлоқий вазиятлар ва дилеммалар. Янгиликлар сиёсати ва ижтимоий тузилманинг гуманитар журналист фаолиятига салбий таъсири.
8. Гуманитар инқирозларни ёритишда ОАВда учрайдиган стереотиплар, манипуляция ва бирёқдамалик масаласи.

9. Гуманитар интервенциянинг сиёсий-иктисодий мазмуни, унинг гуманитар журналистика фаолиятига таъсири. Гуманитар интервенциянинг сиёсий иктисодида сиёсий ва фуқаролик жамияти элитасининг ўрни. Ҳарбий тўқнашувлар жараёнида гуманитар журналистика сифатига миллий манфаатлар, ахборотни узатиш нуқталари ва маблағ жамғармаларнинг таъсири.
10. Янги ОАВ ва гуманитаризмда жамоатчилик билан алоқалар. Жозеф Конининг ижтимоий тармоқлар орқали видеоматериаллар узатиши воситасида жамоатчилик алоқаларининг самарадорлиги. Араб Баҳори жараёнларида гуманитар журналистика доирасида фуқаролик журналистикаси ва ижтимоий тармоқлар фаолияти.
11. Гуманитар журналистика билан боғлиқ хавф-хатарлар.
12. Гуманитар инкирозларни баргарф этишда халқаро ҳуқуқ таъсирини ОАВда ёритиш, бунда учрайдиган хавф-хатарлар.

*Изоҳ:* Мазкур рўйхатдаги мавзулардан мустақил таълим учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Тавсия этилаётган адабиётлар:**

1. Alagiah, G. 2001. A Passage to Africa. London: Little, Brown.
2. Beattie, L., Miller, D., Miller, E. and Philo, G. 1999. The media and Africa: images of disaster and rebellion. G. Philo (ed.), Message Received. Harlow: Longman.
3. Behr, E. 1992. Anyone Here Been Raped and Speaks English? Harmondsworth: Penguin.
4. Bell, M. 1998. The truth is our currency. Press/Politics, Vol. 3, No. 1, pp. 102–9.
5. Bellamy, A. J. 2010. Responsibility to protect: ve years on. Ethics and International Affairs, Vol. 24, No. 2, pp. 143–69.
6. Beman, G. and Calderbank, D. (eds). 2008. The Human Rights-Based Approach to Journalism: Training Manuel Vietnam. Bangkok: UNESCO.
7. Brauman, R. and Backmann, R. 1996. Les Mýdias et l’humanitaire: Ethique de l’information ou charitý-spectacle. Paris: CFPJ Editions.
8. Carruthers, S. L. 2000. The Media at War: Communication and Conflict in the Twentieth Century. London: Palgrave Macmillan.
9. Cassara, C. 1998). US newspaper coverage of human rights in Latin America, 1975–1982. Journalism and Mass Communication Quarterly, Vol. 75, No. 3, pp. 478–486.
10. Chandler, D. 2002. From Kosovo to Kabul. London: Pluto Press.
11. Chouliaraki, L. 2006. The Spectatorship of Suffering. London/Thousand Oaks, Calif./New Delhi: Sage.
12. Citron, D. K. and Norton, H. 2011. Intermediaries and hate speech: fostering digital citizenship for our information age. Boston University Law Review, Vol. 91, No. 4, pp. 1435–84.
13. Cone, J. 2012. The promise of social media for humanitarian action? Kony 2012 and the case of the invisible media, 10 May. Harvard University Program on Humanitarian Policy and Conflict Research. <http://hpcresearch.org/blog/hpcr/2012-05-10/promise-social-media-humanitarian-action>
14. Cottle, S. 2006. Mediatized Conflict: Developments in Media and Conflict Studies. Maidenhead: Open University Press.
15. Dente Ross, S. 2007. Peace Journalism: Constructive Model in a Global Community. Global Media Journal: Mediterranean Edition, Vol. 2, No. 2. <http://globalmedia.emu.edu.tr/fall2007/issues/9.%20Ross.pdf>
16. Entman, R. 1993. Framing: towards clarification of a fractured paradigm. Journal of Communication, Vol. 43, No. 4, pp. 51–8.
17. Galtung, J. 2004. Violence, War, and Their Impact: On Visible and Invisible Effects of Violence. Transcend: Peace and Development Network for Conflict Transformation by Peaceful Means.
18. Geiss, Robin. 2010. ‘How does international humanitarian law protect journalists in armed-conflict situations? Interview. ICRC. [www.icrc.org/eng/resources/documents/interview/protection-journalists-interview-270710.htm](http://www.icrc.org/eng/resources/documents/interview/protection-journalists-interview-270710.htm)
19. Hamelink, C. J. 2004. Human Rights for Communicators. Michigan: Hampton Press.
20. Hammond, P. 2000. Reporting humanitarian warfare: propaganda, moralism and NATO’s Kosovo war. Journalism Studies, Vol. 1, No. 3, pp. 365–86.

академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

#### **ОЛИЙ ТАЪЛИМ**

Олий таълим ўрта махсус, касб-хунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалаврият ва магистратура) bosқичга эга.

Олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизига ва пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади.

Бакалаврият мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалаврлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб бўйича “бакалавр” даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизига таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

«Магистр» даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг интихосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Икки bosқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

бакалаврият ва магистратура учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

олий таълим муассасалари учун профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шу жумладан чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларда тайёрлаш;

олий таълим муассасаларида таркибий ўзгартишлар ўтказиш;

олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш, бу муассасаларнинг мустақиллигини кучайтириш, муассислар, васийлар кенгашлари, жамоат назорат кенгашлари шаклидаги жамоат бошқарувини жорий этиш;

таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;

янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш;

халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш.

#### **ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ**

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида (катта илмий ходим-изланувчилар институти, мустақил изланувчилик) олиш мумкин. Олий ўқув юртидан кейинги таълим диссертация ҳимояси билан якунланади. Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади.

*(3.3-банднинг 3.3.3-кичик банди иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013-йил 7-октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2013-й., 41-сон, 543-модда)*

Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш;

таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш;

ўқувчилар касб-хунар танлайдиган ва психологик-педагогик жиҳатдан маслаҳатлар оладиган марказлар тармоқларини ташкил этиш.

### ЎРТА-МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ

Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир. Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши академик лицей ёки касб-хунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Касб-хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-хунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатишининг норматив базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб-хунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;

академик лицейларнинг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

касб-хунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-хунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;

худудларнинг жуғрофий ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ва улар оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;

21. Hammond, P. 2007. Framing Post Cold War Conflicts: The Media and International Intervention. Manchester: Manchester University Press.

22. Hawkins, V. 2002. The other side of the CNN factor: the media and conflict. *Journalism Studies*, Vol. 3, No. 2, pp. 225–40.

23. Hoijer, B. 2004. The discourse of global compassion: the audience and media reporting of human suffering. *Media, Culture and Society*, 26 July, pp. 513–31.

24. Huckerby, M. 2005. The Net for Journalists: A Practical Guide to the Internet for Journalists in Developing Countries. Paris: UNESCO.

25. International News Safety Institute. 2003. Dying to Tell the Story: The Iraq war and the Media: A Tribute. Brussels, 29 July.

26. Kempf, W. 2007. Peace journalism: a tightrope walk between advocacy journalism and constructive conflict coverage. *Conflict and Communication Online*, Vol. 6, No. 2, 25 January. [www.cco.regener-online.de](http://www.cco.regener-online.de)

27. Lasner, T. 2005. Media and human rights. Rhoda Smith and Christien van den Anker (eds), *Essentials of Human Rights: Everything You Need To Know About Human Rights*. London: Hodder-Arnold.

28. Lee, S. T., Maslog, C. and Kim, H. S. 2006. Asian conflicts and the Iraq war – a compassionate framing analysis. *International Communication Gazette*, Vol. 68, No. 5–6, pp. 499–518.

29. Lovasen, L. 2008. Journalism and power: the role of media in building human rights and culture of peace. [www.humanrightsdefence.org/journalism-and-power-the-role-of-media-in-build](http://www.humanrightsdefence.org/journalism-and-power-the-role-of-media-in-build)

30. Lynch, J. and McGoldrick, A. 2005. *Peace Journalism*. Stroud: Hawthorn Press.

31. Lynch, J. and McGoldrick, A. (2010). A global standard for reporting conflict and peace. R. L. Keeble, J. Tulloch and F. Zollmann (eds), *Peace Journalism, War and Conflict Resolution*. New York: Peter Lang, pp. 87–104.

32. Madianou, M. 2012. *Humanitarian Campaigns in Social Media: Network Architectures and Polymedia Events*. London: Taylor & Francis.

33. Moritz, Frederic. 2006. American human rights reporting born in yellow prose. <http://worldlymind.org/creelover.htm>;

34. Philippe, J. 2001. La légitimation de la cause humanitaire: un discours sans adversaires. *Mots*, No. 6, March, p. 15.

35. Plaisance, P. L. 2002. The journalist as moral witness: Michael Ignatieff's pluralistic philosophy for a global media culture. *Journalism*, Vol. 3, No. 2, pp. 205–222.

36. Puddephatt, A. 2005. Freedom of expression. Rhona Smith and Christien van den Anker (eds), *The Essentials of Human Rights: Everything You Need to Know About Human Rights*. London: Hodder-Arnold.

37. Rantanen, T. 2007. The cosmopolitanization of news. *Journalism Studies*, Vol. 8, No. 6, pp. 843–61.

38. Robinson, P. 2002. *The CNN Effect: The Myth of News, Foreign Policy and Intervention*. London: Routledge.

39. Schirch, L. 2002. Human rights and peace building: towards just peace. Paper presented to 43rd Annual International Studies Association Convention. New Orleans, Louisiana, pp. 24–7.

40. Shaw, I. S. 2012a. Stereotypical representations of Muslims and Islam following the 7/7 terrorist attacks in London: implications for intercultural communication and terrorism prevention. *International Communication Gazette*, Vol. 74, No. 6, pp. 509–24.

41. Shaw, I. S. 2012b. *Human Rights Journalism: Advances in Reporting Distant Humanitarian Interventions*. Basingstoke: Palgrave Macmillan.

42. Simeant, J. 2001. Urgence et développement, professionnalisation et militantisme dans humanitaire. *Mots*, No. 65, March, p. 28.

43. Tester, K. 2001. *Compassion, Morality and the Media*. Buckingham: Open University Press.

44. Thusu, D. K. 2000. Legitimizing 'humanitarian intervention'? CNN, NATO and the Kosovo crisis. *European Journal of Communication*, Vol. 15, No. 3, pp. 345–61.

### **Ўзбекистонда ушбу курснинг жорий этилишига оид услубий таклиф ва тавсиялар:**

ЎзМУда 5220100 – Журналистика (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги “Жамоатчилик билан алоқалар ва реклама” (2- курсда, икки семестр ўқитилади, умумий ҳажми 146 с, маъруза- 34 с, амалий машғулот -74 с, мустақил таълим – 38 с) фани таркибига ушбу модулдан “Янги ОАВ ва гуманитаризм бўйича жамоатчилик билан алоқалар” мавзусини киритиш фаннинг янги жиҳатларини чуқурроқ ўрганишга хизмат қилади ва талабаларда тегишли амалий кўникмалар ҳосил қилади.

5A220101-Журналистика(газета ва журналлар) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги “Хуқуқий журналистика” (1-семестрда ўқитилади, умумий ҳажми 76 с, маъруза – 20 с, амалий машғулот – 20 с, мустақил таълим – 36 с) фани таркибига ушбу модулдан “Инсон ҳуқуқлари журналистикасининг тарихий ва концептуал асослари”, “Инсон ҳуқуқлари бўйича материал тайёрлаш ва инсон ҳуқуқлари журналистикаси”, “Журналист инсон ҳуқуқларининг “қўриқчиси сифатида”, “Журналист суриштируви ва гуманитар журналистика” мавзуларини киритиш ҳуқуқий журналистиканинг ушбу жиҳатларини чуқурроқ ўрганиш ва унинг асосида ижодий материал тайёрлаш бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилиш имконини беради.

5A220103 – Телевидение ва радиоэшиттириш магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги “Фавқулодда вазиятларда телерадиожурналистика” (1-семестрда ўқитилади, умумий ҳажми 76 с, маъруза -20 с, амалий машғулот -20 с, мустақил таълим -36 с) фани таркибига “Хуқуқ ва этика гуманитар журналистиканинг таркибий масалалари сифатида”, “Гуманитар таназзуллар жараёнида ОАВда учрайдиган стереотиплар, гуманитар таназзулларни манипуляция қилиш ва уларни ёритишда бирёқламалик масаласи”, “Гуманитар журналистика билан боғлиқ хавф-хатарлар” мавзуларини киритиш фан мазмунига янги жиҳатларни киритиш ва бунинг эвазига тегишли янги амалий кўникмаларни ҳосил қилишга имкон беради.

ЎзДЖТУ 5220100-Журналистика (халқаро журналистика) таълим йўналиши бўйича танлов фани доирасида “Экстремал журналистика” ўқитилади. Курс дастурига “Хуқуқ ва этика гуманитар журналистиканинг таркибий масалалари сифатида”, “Гуманитар таназзуллар жараёнида ОАВда учрайдиган стереотиплар, гуманитар таназзулларни манипуляция қилиш ва уларни ёритишда бирёқламалик масаласи”, “Гуманитар журналистика билан боғлиқ хавф-хатарлар” мавзуларни киритиш тавсия этилади. Шунингдек, “Журналистика ҳуқуқи ва этикаси” фани доирасида “Инсон ҳуқуқлари журналистикасининг тарихий ва концептуал асослари”, “Инсон ҳуқуқлари бўйича журналистик материал тайёрлашдан инсон ҳуқуқлари журналистикасига”, “Журналист инсон ҳуқуқларининг “қўриқчиси” сифатида”, “Журналист суриштируви ва гуманитар журналистика”, “Хуқуқ ва этика гуманитар журналистиканинг таркибий муаммолари сифатида” мавзусини 20 соат ҳажмида киритиш талабаларда муайян кўникмалар шаклланишида кўмак беради.

мактабдан ташқари таълим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастурларига изчил ўтилишини таъминлайди.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошланғич таълим (I-IV синфлар), умумий ўрта таълим (I–IX-синфлар), ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини қамраб олади.

Касб-ҳунар таълими дастурларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий (бакалаврият, магистратура) таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни қамраб олади.

### **МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ**

Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Мактабгача тарбияни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;

болаларни оилада тарбиялашни ташкилий, психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;

замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;

мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;

мактабгача муассасаларнинг ҳар хил турлари учун турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча массалари бўйича малакали консалтация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;

мактабгача тарбия ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизминини ишлаб чиқиш.

### **УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ**

Тўққиз йиллик (I–IX-синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Таълимнинг бу тури бошланғич таълимни (I–IV- синфлар) қамраб олади ҳамда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Умумий ўрта таълим тугаллангандан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат берилади.

Умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун қуйидагилар зарур:

мактабнинг I–IX-синфлари доирасида сифатли умумий ўрта таълим олишни таъминловчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бунда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан кейин олинган таълим дастурлари билан мантиқий боғлиқлик ҳисобга олиниши лозим;

юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш;

худудларнинг жуғрофий ва демографик хусусиятларига, шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;



бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

иктидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

### 3.3.2. Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш

Узлуксиз таълим соҳасидаги ислоҳотлар қуйидагиларни назарда тутди:

таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш;

давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника ва технологиянинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва касб-ҳунар таълими дастурларини тубдан ўзгартириш;

мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтилишини таъминлаш;

махсус, касб-ҳунар таълимининг марказлари сифатида фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашган янги типдаги ўқув муассасаларини вужудга келтириш;

илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий кадриятларнинг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш;

таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шаклларини ривожлантириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;

таълим олишда, шунингдек болалар ва ёшларни маънавий-ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;

таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

таълим тизимини молиявий, моддий-техника ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизмларини шакллантириш;

узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

таълим ва илм-фан билан боғлиқ чет эл ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш;

туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш;

таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш.

### 3.3.3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;

олий таълим;

олий ўқув юртидан кейинги таълим;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

## ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ (ОАВда одам савдоси муаммосини ёритиш мисолида)

### Кириш

Мазкур курс журналист суриштирувининг аҳамияти ва одам савдоси феномени, ушбу глобал таҳдидга қарши курашда ОАВ ўрнини очиб беришга қаратилган.

### Фаннинг мақсад ва вазифалари

Ушбу фаннинг мақсади талабаларда одам савдоси (хьюман траффикинг) масалаларини ОАВда ёритишда, хусусан журналист суриштируви ўтказиш бўйича тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилишга қаратилган.

Фаннинг вазифалари талабаларга одам савдосининг тарихий илдизларини, назарий асосларини, ҳуқуқий жиҳатларини, кўринишларини, ушбу глобал таҳдидга қарши курашда ОАВнинг аҳамиятини, одам савдосига қарши курашнинг халқаро тизимини, ушбу мавзуни ёритишда журналист суриштируви имкониятларидан самарали фойдаланишни, бунда касбий одоб-ахлоқ аҳамиятини ўргатишдан иборат.

### Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Ушбу фан доирасида талаба:

- хьюман траффикингнинг тарихий илдизлари, назарий асослари, ҳуқуқий таърифлари мазмунини, одам савдоси кўринишлари, ушбу муаммони ёритишда ОАВнинг роли, журналист суриштируви имкониятлари, траффикингга қарши курашнинг халқаро тизими, мавзуни ёритишда журналистнинг касбий одоб-ахлоқи масалалари ҳақида **масаввурларга эга бўлиши керак**;

- хьюман траффикингнинг тарихий илдизларини, назарий асосларини, ҳуқуқий таърифлари мазмунини, одам савдоси кўринишларини, ушбу муаммони ёритишда ОАВнинг ролини, журналист суриштируви имкониятларини, траффикингга қарши курашнинг халқаро тизимини, мавзуни ёритишда журналистнинг касбий одоб-ахлоқини **билиши ва улардан фойдалана олиши керак**;

- хьюман траффикингнинг тарихий илдизлари, назарий асосларини, ҳуқуқий таърифларини қўллаш олиш, одам савдоси кўринишларини аниқлай олиш, ушбу муаммони ОАВда ёритишда журналист суриштируви имкониятларини қўллаш олиш, траффикингга қарши курашнинг халқаро тизими фаолиятини таҳлил қила олиш, мавзуни ёритишда журналистнинг касбий одоб-ахлоқига риоя қила олиш **кўникмаларига эга бўлиши керак**;

- хьюман траффикингнинг тарихий илдизлари, назарий асосларини қўллаш, ҳуқуқий таърифларидан фойдаланиш, одам савдоси кўринишларини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу муаммони ОАВда ёритишда журналист суриштируви ўтказиш, траффикингга қарши курашнинг халқаро тизими фаолиятини баҳолаш, мавзуни ёритишда журналистнинг касбий одоб-ахлоқига риоя қилиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

### Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Журналист суриштируви (ОАВда одам савдоси муаммосини ёритиш мисолида)” фани ихтисослик фани ҳисобланади. Мазкур дастурни амалга ошириш ЎзМУда 5220100 – Журналистика (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги гуманитар ва ижтимоий иқтисодий (ҳуқуқшунослик), умумкасбий (замонавий журналистика назарияси ва усуллари), танлов (Интернет ва бошқа ОАВда сиёсий жараёнларнинг ёритилиши) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

5A220101-Журналистика (газета ва журналлар) магистратура мутахассислиги ўқув режасида режалаштирилган умумметодологик (психология), мутахассислик (ҳуқуқий журналистика) ва танлов (сиёсат ва журналистика) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади (ЎзДЖТУ халқаро журналистика ва ҚҚДУ журналистика бўлими бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари ўқув режаларидаги тегишли фанлар ҳисобга олинади).

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

“Журналист суриштируви (ОАВда одам савдоси муаммосини ёритиш мисолида)” фани бўлажак мутахассисда глобал тахдидлардан бирига айланган одам савдосига қарши кураш масалаларини ОАВда ёритиш бўйича зарур кўникма ва малакаларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ушбу курс ОАВ соҳасининг ажралмас бўғини ҳисобланади.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талаба “Журналист суриштируви (ОАВда одам савдоси муаммосини ёритиш мисолида)” фанини ўзлаштириши учун инновацион усуллардан фойдаланиши, янги педагогик, ахборот ва Интернет технологияларни татбиқ қилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, модуль топшириқлари, тарқатма материаллар, мультимедиа воситалари)дан фойдаланиш тавсия этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда турли усул ва воситалардан, хусусан, баҳс-мунозара, лойиҳа тузиш, ролли ва дидактик ўйинлар, кейс-стади, кичик гуруҳларда ишлаш, тақдимот ўтказиш, шунингдек, компьютер дастурларидан, Интернет тизимларидан фойдаланиш кўзда тутилади.

### **Асосий қисм**

#### **Фаннинг назарий машғулоти мазмуни.**

**“Журналист суриштируви (ОАВда одам савдоси муаммосини ёритиш мисолида)”**

#### **фаннинг мазмуни, предмети ва методи**

Фаннинг мазмуни. ОАВда одам савдоси муаммосига оид журналист суриштирувини ўрганиш зарурати. Фаннинг асосий масалалари. Фаннинг предмети ва объекти. Фаннинг методи ва унинг элементлари. “Журналист суриштируви (ОАВда одам савдоси муаммосини ёритиш мисолида)” фанида хусусий методларнинг қўлланиши.

#### **Хьюман траффингга кириш**

Одам савдоси тушунчаси моҳияти. Одам савдосига доир истилоҳларнинг қўлланиши. Одам савдосининг бошқа кўринишдаги жиноятлар билан чамбарчас боғлиқлиги. Одам савдосининг иқтисодий илдизлари, миграция, глобаллашув, жинсий вазият, инсон ҳуқуқлари поймол бўлиши билан шартланганлиги. Унинг сабаб ва оқибатлари, уюшган жиноятчилик билан боғлиқлиги. Одам савдоси индикаторлари.

#### **Одам савдосининг ҳуқуқий дефиницияси**

Одам савдоси концепциясининг ҳуқуқ жиҳатидан ривожланиши. Одам савдоси инсон ҳуқуқлари бузилиши кўриниши сифатида. Одам савдоси дефинициясининг таркибий унсурлари. Унинг амалиётда пайдо бўлишини аниқлаш муаммоси.

#### **ОАВда суриштирув ва мониторинг**

Одам савдосига оид суриштирув ўтказишда тадқиқот ўтказиш хусусиятлари, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, мониторинг аҳамияти. Одам савдосига оид журналист суриштирувида тадқиқот усуллари. Тадқиқот ўтказишдаги тўсиқлар. Одам савдосига оид сифат ва сон кўрсаткичларини тадқиқ этиш.

#### **Одам савдоси доирасида жинсий эксплуатация масалаларининг ОАВда ёритилиши**

Жинсий эксплуатация моҳияти. Журналист суриштирувини ўтказиш жараёнида жинсий эксплуатациянинг глобал, минтақавий ва маҳаллий бозорлари таркибини таҳлил қилиш. Жинсий эксплуатация жараёнларидаги иштирокчилар фаолиятининг танқидий таҳлили. Жинсий эксплуатацияга нисбатан турли қарашлар таҳлили.

томонлама баркамол шахс фуқарони шакллантиришни назарда тутди. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандартлари орқали сифатли таълим олиш, шунингдек таълим ва касб-ҳунар жиҳатдан тайёргарликнинг шакллари ва турларини танлашни, узлуксиз малака ошириб бориш, зарурат тақозо этса, тегишли қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини ва кенг имкониятларини назарда тутди.

Таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида шахсга давлат таълим стандартлари орқали сифатли таълим олиш ва касб-ҳунар тайёргарлиги кўриш кафолатланади. Таълим олиш жараёнида шахс давлат таълим стандартларида ифода этилган талабларни бажариши шарт.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

### **3.2. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ**

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожланишининг кафиллари, юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатади.

Давлат ва жамият қуйидагиларга, чунончи:

Фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишига;

Мажбурий умумий ўрта таълим ҳамда академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида таълим олиш йўналишини танлаш ҳуқуқи асосида мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишга;

Давлат грантлари ёки пуллик-шартномавий асосда олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим олиш ҳуқуқига;

Давлат таълим муассасаларини маблағ билан таъминлашга;

Таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифалар ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга;

Таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга;

Соғлиқ ва ривожланишда нуқсонли бўлган шахслар таълим олишига кафолат берадилар.

### **3.3. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ**

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

#### **3.3.1. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари**

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принциплари қуйидагилардан иборат:

таълимнинг устуворлиги унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи;

таълимнинг демократлашуви таълим ва тарбия услубларини танлашда ўқув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши;

таълимнинг инсонпарварлашуви инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

таълимнинг ижтимоийлашуви таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

таълимнинг миллий йўналтирилганлиги таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва

Биринчи босқич бажарилишининг мониторинги асосида Миллий дастурни рўёбга чиқариш йўналишларига аниқликлар киритилади.

Иккинчи босқич (2001 – 2005-йиллар) Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

Мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига, шунингдек ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади.

Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади.

Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади.

Таълим хизмат кўрсатиш бозорини шакллантириш механизмлари тўлиқ ишга солинади.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услугий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади.

Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-хунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини ўзи бошқариши шакллари мустаҳкамланади.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади.

### **3. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ**

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

давлат ва жамият — таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафилилари;

узлуксиз таълим малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

фан юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

ишлаб чиқариш кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиши омилларидан биридир.

#### **3.1. ШАХС**

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар

### **Халқаро меҳнат миграцияси ва меҳнат эксплуатациясига оид журналист суриштируви**

Журналист суриштирувини ўтказишда халқаро меҳнат миграциясининг илдишларини тадқиқ этиш. Глобаллашув, меҳнат миграцияси ва одам савдосининг ўзаро боғлиқлиги. Меҳнат эксплуатацияси юзага келишида одам савдосининг ўрни.

#### **ОАВ ва одам органларини олишга қаратилган хьюман траффинг**

Одам органларини сотиш мақсадидаги траффик моҳияти. Органлар траффиги, трансплантациянинг тижоратлашуви, трансплантация туризмнинг занжирли ҳаракати. Трансплантациянинг тижоратлашуви ва трансплантация туризми алоқаларининг ижтимоий негизи. Бунда сиёсий жараёнлар чегараси. Органларнинг тижорат донорлиги масалалари бўйича баҳсларнинг чегараси. Умумжаҳон миқёсдаги органлар етишмовчилиги муаммоси.

#### **ОАВ ва хьюман траффингга қарши курашнинг халқаро тизими**

Одам савдосига қарши кураш халқаро тизимининг беш тамойили: олдини олиш, ҳимоя қилиш, фош этиш, жазолаш, ҳамкорлик. Одам савдосининг халқаро аспекти ва унга қарши курашда халқаро ҳамкорлик аҳамияти. Халқаро ҳамкорликнинг кўринишлари. Одам савдосига қарши халқаро миқёсдаги ҳаракатлар.

#### **Одам савдосига қарши курашда ОАВнинг роли ва одоб-ахлоқ масалалари**

Одам савдосига қарши курашда ОАВ салоҳияти. Одам савдосига оид суриштирув ўтказиётган журналист фаолиятида одоб ахлоқ дилеммалари.

#### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитдилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув кўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш орқали талабалар билимини ошириш ва бошқалар тавсия этилади.

Бундан ташқари, амалий машғулотларда турли ОАВда одам савдосига доир суриштирув материалларини ўрганиш, ушбу йўналишда ижодий фаолият олиб бораётган таниқли суриштирувчи журналистлар маҳоратини ўрганиш асосида ўз ижодий материалларини тайёрлаш ва муҳокама қилиш кўзда тутилган.

#### **Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати**

1. Одам савдосининг иқтисодий илдишлари, миграция, глобаллашув, жинсий вазият, инсон ҳуқуқлари поймол бўлиши билан шартланганлиги. Одам савдоси индикаторлари.
2. Одам савдосига оид халқаро ташкилот (БМТ)ларнинг меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари. Одам савдоси кўринишлари.
3. Одам савдосига оид журналист суриштирувида тадқиқот усуллари. Суриштирув ўтказишдаги тўсиқлар.
4. Одам савдоси миқёси ва табиати. Жинсий эксплуатация жараёнларидаги иштирокчилар фаолиятининг танқидий таҳлили.
5. Глобаллашув, меҳнат миграцияси ва одам савдосининг ўзаро боғлиқлиги. Меҳнат миграцияси жараёнларида одам савдосининг юзага келиши механизми.
6. Органлар траффиги, трансплантациянинг тижоратлашуви, трансплантация туризми занжирининг ҳаракати. Трансплантациянинг тижоратлашуви ва трансплантация туризми алоқаларини ижтимоий негизи.
7. Одам савдосига қарши кураш халқаро тизимининг беш тамойили. Одам савдосининг халқаро аспекти ва унга қарши курашда халқаро ҳамкорлик аҳамияти.
8. Одам савдосига қарши курашда ОАВ салоҳияти. Одам савдосига оид суриштирув ўтказиётган журналист фаолиятида одоб ахлоқ дилеммалари.

*Изоҳ:* Мазкур рўйхатдаги мавзулардан талаба 4-5-тасини ўзлаштириш шарт. Улардан амалий машғулотлар учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил ишни ташкил этишда унга мўлжалланган ҳар бир бўлим бўйича адабиётлар талаба томонидан ўрганилиши, мустақил иш учун мўлжалланган назарий ва амалий билим мавзуларини ўзлаштириш, ҳар бир бўлим бўйича берилган топшириқларнинг талаба томонидан бажарилиши талаб қилинади. Жараён ўқитувчи томонидан узлуксиз назорат қилинади.

Мустақил таълим куйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- матбуот материаллари билан ишлаш, уларни таҳлил қилиш, шарҳлаш;
- фан доирасида ўз ижодий чиқишларини тайёрлаш;
- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш;
- фаннинг долзарб муаммоларини қамраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш талаба томондан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билиминини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

#### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Фан бўйича ўқув адабиётларни ўрганиш, амалий машғулотларга тайёрланиш.
2. БМТнинг одам савдосига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.
3. Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашнинг ҳуқуқий асослари.
4. Одам савдосининг иқтисодий илдишлари, миграция, глобаллашув, жиноий вазият, инсон ҳуқуқлари поймол бўлиши билан шартланганлиги. Одам савдоси индикаторлари.
5. Одам савдосига оид журналист суриштирувида тадқиқот усуллари.
6. Жинсий эксплуатация жараёнларидаги одам савдоси.
7. Глобаллашув, меҳнат миграцияси ва одам савдосининг ўзаро боғлиқлиги.
8. Органлар траффиги, трансплантациянинг тижоратлашуви, трансплантация туризмнинг занжири.
9. Одам савдосига қарши курашнинг халқаро тизими.
10. Одам савдосига қарши курашда ОАВнинг салоҳияти. Одам савдосига оид суриштирув ўтказиётган журналист фаолиятида одоб ахлоқ-масалалари.

*Изоҳ:* Мазкур рўйхатдаги мустақил таълим учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Тавсия этилаётган адабиётлар:**

1. African Union. 1981. African Charter on Human and Peoples' Rights.
2. Agustyn, L. M. 2008. Sexual commotion. Sex at the Margins: Migration, Labour Markets and the Rescue Industry. London/New York: Zed.
3. Ambagtsheer, F., Zaitch, D. and Weimar, W. 2013. The battle for human organs: organ trafficking and transplant tourism in a global context, Global Crime, Vol. 14, No. 1. <http://dx.doi.org/10.1080/17440572.2012.753323>

кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истикболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;

таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий қилиш;

янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

## **2.2. ДАСТУРНИ РЎЎБГА ЧИҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилади.

Биринчи босқич (1997 – 2001-йиллар) мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу босқичда куйидагиларни амалга ошириш зарур:

«Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш;

педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш;

таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлилик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

ўқув-услубий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун зарур моддий-техника, ўқув-услубий ва кадрлар базасини тайёрлаш;

таълим ва кадрлар тайёрлашга бюджетдан ташқари маблағлар жалб этишнинг механизмларини такомиллаштириш, давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасаларини ривожлантиришни ҳам назарда тутган ҳолда таълим хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш;

таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизимини, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва кучайтириш, кадрлар тайёрлашда халқаро донорлик ташкилотлари ва фондлари фаолиятига тегишли шароитлар яратиш, шунингдек республика таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича реал чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг мониторингини олиб бориш.

Ушбу босқичда болаларни олти-етти ёшдан мактабга қабул қилиш, уларнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланганлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади. Тақозо этилаётган ўқувчи ўринлари зарур моддий-техника шарт-шароитлари ва педагог кадрлар билан таъминланган ҳолда изчил тайёрланади.

Илмий муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий институтлар кадрларни тайёрлаш жараёнига етарли даражада қўшилганлари йўқ. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш вазифалари белгилаб олинмаган. ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш тизими объективлик ва тезкорликни таъминламайди.

Касб-хунар таълимнинг обрўси ҳамда ўқитувчилар, тарбиячилар ва мураббийларнинг, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ижтимоий мақоми пасайиб бормоқда. Таълим хизмати кўрсатиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетинг мавжуд эмас, таълим тизимини кўп вариантли молиялаш схемаси ишлаб чиқилмаган. Олий малакали кадрлардан самарали фойдаланилмаяпти. Кадрлар билими ва улар тайёргарлигининг сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолаш тизими қониқарсиз ишламоқда.

Ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва касб савияси пастлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, малакали педагог кадрлар етишмаслиги сезилмоқда. Мактабгача таълим соҳасидаги жами тарбиячи ва педагогларнинг атиги 20 фоизи олий маълумотлидир. Мактабларнинг ўқитувчилар билан таъминланганлиги ўртача 93 фоизни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич айрим вилоятларда 77-80 фоиздан, муайян фанлар бўйича эса 50 фоиздан ошмайди.

Илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ўртача ёши «улғайиб» бормоқда. Республика олий ўқув юртларида 40 ёшга тўлмаган фан докторлари жами фан докторларининг 0,9 фоизини, 50 ва ундан катта ёшдагилари эса 79 фоизини ташкил этади. Фан докторлари илмий даражасига тасдиқланганлар ўртача 50, фан номзодлари эса 36 ёшдадир.

### 1.3. ИСЛОҲ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари қуйидагилардан иборат:

республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;

мамлакат иқтисодиётида туб ўзгартиришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом ашё йўналишидан рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятининг кенгаётганлиги;

давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги;

миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига хурмат;

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

## 2. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИ РЎЎБГА ЧИҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИ

### 2.1. ДАСТУРНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мазкур дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутаяди:

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

4. Anderson, B. and Andrijasevic, R. 2008. Sex, slaves and citizens: the politics of anti-trafficking. A focus on the evils of trafficking is a way of depoliticising the debate on migration, Soundings, No. 40, pp. 135–45. [www.statewatch.org/news/2009/feb/soundings.pdf](http://www.statewatch.org/news/2009/feb/soundings.pdf)

5. Aronowitz, A. A. 2009. Human Trafficking, Human Misery: The Global Trade in Human Beings. Westport, Conn.: Praeger.

6. Arthur, C. 2010. Analysing data is the future for journalists, says Tim Berners-Lee. Guardian, 22 November. [www.guardian.co.uk/media/2010/nov/22/data-analysis-timberners-lee](http://www.guardian.co.uk/media/2010/nov/22/data-analysis-timberners-lee)

7. Association of South East Asian Nations (ASEAN). 2004. Declaration against Trafficking in Persons, Particularly Women and Children (2004). [www.nottrafficking.org/resources\\_laws\\_regional.html](http://www.nottrafficking.org/resources_laws_regional.html) (Also available in Thai.)

8. Bales, K. 2007. What predicts human trafficking? International Journal of Comparative and Applied Criminal Justice, Vol. 31, No. 2, pp. 269–79.

[www.humansecuritygateway.com/documents/FTS\\_WhatPredictsHumanTrafficking.pdf](http://www.humansecuritygateway.com/documents/FTS_WhatPredictsHumanTrafficking.pdf)

9. Bales, K. 2012. Disposable People: New Slavery in the Global Economy. Berkeley, Calif.: University of California Press.

10. Berglund, S. and Lundin, S. 2011. 'I had to leave'. Making sense of buying a kidney abroad. Martin Gunnarson and Fredrik Svenaeus (eds), The body as Gift, Resource, and Commodity: Exchanging Organs, Tissues, and Cells in the 21st Century. Stockholm: Södertörns högskola, pp. 321–42. <http://edit.info.lu.se/upload/Kulturvetenskap/dokument/TheBodyAsGift.pdf>

11. Brennan, D. 2005. Methodological challenges in research with trafficked persons: tales from the field. F. Laczko and E. Gozdzia (eds), Data and Research on Human Trafficking: A Global Survey. Offprint of the Special Issue of International Migration, Vol. 43, No. 1/2, pp. 35–54. [http://lastradainternational.org/lisidocs/282\\_per\\_cent20IOM\\_per\\_cent20survey\\_per\\_cent20trafficking\\_per\\_cent20\(Global\).pdf#page=37](http://lastradainternational.org/lisidocs/282_per_cent20IOM_per_cent20survey_per_cent20trafficking_per_cent20(Global).pdf#page=37)

12. Brooks-Gordon, B. 2006. The Price of Sex: Prostitution, Policy and Society. Devon: Willan.

13. Bruch, Elizabeth M. 2004. Models wanted: the search for an effective response to human trafficking. Stanford Journal of International Law, Vol. 40, No. 1, pp. 1–45.

14. Brunovskis, A. and Surtees, R. 2012. Out of sight? Approaches and Challenges in the Identification of Trafficked Persons. Fafó/NEXUS Institute project: Improving services to trafficked persons.

15. Brusca, C. 2011. Palermo Protocol: the first ten years after adoption, Global Security Studies, Vol. 2, No. 3, p. 8–20. [http://globalsecuritystudies.com/Brusca\\_per\\_cent20Palermo\\_per\\_cent20Final\\_per\\_cent20One.pdf](http://globalsecuritystudies.com/Brusca_per_cent20Palermo_per_cent20Final_per_cent20One.pdf)

16. Buck, B. de. 2007. Joint investigation teams: the participation of Europol officials. ERA Forum, Vol. 8, No. 2, pp. 253–64. [http://link.springer.com/article/10.1007\\_per\\_cent20Fs12027-007-0014-7?LI=true](http://link.springer.com/article/10.1007_per_cent20Fs12027-007-0014-7?LI=true)

17. Buckert, C. and Parent, C. 2002. Trafficking in Human Beings and Organized Crime: A Literature Review. Research and Evaluation Branch, Community, Contract and Aboriginal Policing Services Directorate.

18. Royal Canadian Mounted Police. <http://dspace.cigilibrary.org/jspui/bitstream/123456789/22297/1/>

19. Trafficking per cent20In per cent20Human per cent20Beings per cent20and per cent20Organized per cent20Crime per cent20A per cent20Literature per cent20Review.pdf?1

20. Budiani-Saberi, D. A. and Karim, K. A. 2009. The social determinants of organ trafficking: reaction of social inequity. Social Medicine, Vol. 4, No. 1, pp. 48–51.

21. Cameron, S. 2008. Trafficking of women for prostitution. S. Cameron and E. Newman (eds), Trafficking in Humans: Social, Cultural and Political Dimensions. Tokyo, New York, Paris: United Nations University Press.

22. Centre for Investigative Journalism. n.d. Interviewing Techniques. [http://tcij.org/sites/default/files/u4/Interviewing\\_per\\_cent20Techniques.pdf](http://tcij.org/sites/default/files/u4/Interviewing_per_cent20Techniques.pdf)

23. Chandran, P. 2011. A commentary on interpreting human trafficking. P. Chandran et al. (eds), Human Trafficking Handbook: Recognizing Trafficking and Modern-Day Slavery in the UK. London: LexisNexis.

24. Cheng, S. 2008. Muckraking and stories untold: ethnography meets journalism on trafficked women and the U.S. military, *Sexuality Research and Social Policy*, Vol.5, No. 4, pp. 6–18.
25. Cho, S.-Y. 2012. Modelling for determinants of human trafficking. *Economics of Security Working Paper 70*. [http://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract\\_id=2117838](http://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=2117838).
26. Choo, K., Jang, J. O. and Choi, K. 2010. Methodological and ethical challenges to conducting human trafficking studies: a case study of Korean trafficking and smuggling for sexual exploitation to the United States, *Women and Criminal Justice*, Vol. 20, No. 1–2, pp. 167–85.
27. Council of Arab Ministers of Justice. 2012. The Comprehensive Arab Strategy for Combating Trafficking in Human Beings. Adopted by the Council of Arab Ministers of Justice Resolution. No. 2012/2/15–27–879. General Secretariat Department of Legal Affairs, Technical Department.
28. Council of Europe. 1950. European Convention for the Protection of Human Rights and Fundamental Freedoms.
29. Council of Europe. 2005. Convention on Action against Trafficking in Human Beings. <http://conventions.coe.int/Treaty/en/Treaties/Html/197.htm> (Also available in Albanian, Armenian, Azerbaijani, Bosnian, Bulgarian, Dutch, French, Georgian, German, Greek, Hungarian, Italian, Latvian, Macedonian, Norwegian, Polish, Portuguese, Romanian, Russian, Serbian, Slovakian, Slovenian, Spanish, Turkish, Ukrainian.)
30. Council of Europe. 2009. Trafficking in Organs, Tissues and Cells and Trafficking in Human Beings for the Purpose of the Removal of Organs. Joint Council of Europe/United Nations study. Strasbourg: Council of Europe.
31. Council of Europe. 2011. Directive 2011/36/EU of the European Parliament and of the Council of 5 April 2011 on preventing and combating trafficking in human beings and protecting its victims, and replacing Council Framework Decision 2002/629/JHA. <http://eur-lex.europa.eu/LexUriServ/LexUriServ.do?uri=OJ:L:2011:101:0001:0011:EN:PDF> (Also available in Albanian, Armenian, Azerbaijani, Bosnian, Bulgarian, Dutch, French, Georgian, German, Greek, Hungarian, Italian, Latvian, Macedonian, Norwegian, Polish, Portuguese, Romanian, Russian, Serbian, Slovakian, Slovenian, Spanish, Turkish, Ukrainian.)
32. Dancing Boys of Afghanistan, The. 2010. (documentary). Frontline.
33. David, M. and Sutton, C. D. 2004. *Social Research: The Basics*. London/Thousand Oaks, Calif./New Delhi: Sage.
34. Delgado Wise, R. and M6rquez Covarrubias, H. 2012. Strategic dimensions of neoliberal globalization: the exporting of labor force and unequal exchange. *Advances in Applied Sociology*, Vol. 2, No. 2, pp. 127–34.
35. Entman, R. 1993. Towards clarification of a fractured paradigm. *Journal of Communication*, Vol. 43, No. 4, pp. 51–8. [http://sotomo-ve.geo.uzh.ch/sotomo/ppp/lit/entman\\_93.pdf](http://sotomo-ve.geo.uzh.ch/sotomo/ppp/lit/entman_93.pdf)
36. European Committee on Crime Problems (ECCP). 2012. Draft Council of Europe Convention against Trafficking in Human Organs. Strasbourg: Council of Europe. [www.coe.int/t/dghl/standardsetting/cdpc/CDPC](http://www.coe.int/t/dghl/standardsetting/cdpc/CDPC)
37. European Union. 2011. Directive 2011/36/EU of the European Parliament and of the Council of 5 April 2011 on preventing and combating trafficking in human beings and protecting its victims, and replacing Council Framework Decision 2002/629/JHA. <http://eur-lex.europa.eu/LexUriServ/LexUriServ.do?uri=OJ:L:2011:101:0001:0011:EN:PDF>.
38. European Union and African States. 2006. Ouagadougou Action Plan to Combat Trafficking in Human Beings, especially Women and Children. [http://ec.europa.eu/anti-trafficking/download.action;jsessionid=Z2J2RSrCV18Nx11J5mJLxmQBTsjGJLW3vnmwJ4shrjTsrqzJ184R!-656776111?nodePath=percent2FEU+Policypercent2FOuagadougou+Action+Plan+to+combat+trafficking\\_en.pdf&fileName=Ouagadougou+Action+Plan+to+combat+trafficking\\_en.pdf](http://ec.europa.eu/anti-trafficking/download.action;jsessionid=Z2J2RSrCV18Nx11J5mJLxmQBTsjGJLW3vnmwJ4shrjTsrqzJ184R!-656776111?nodePath=percent2FEU+Policypercent2FOuagadougou+Action+Plan+to+combat+trafficking_en.pdf&fileName=Ouagadougou+Action+Plan+to+combat+trafficking_en.pdf)
39. Farley, M. 2003. *Prostitution, Trafficking, and Traumatic Stress*. New York: Haworth Maltreatment and Trauma Press.
40. Fredette, K. 2009. Revisiting the UN Protocol on human trafficking: striking balances for more effective legislation, *Cardozo Journal of International and Comparative Law*, No. 101. <http://heinonline.org/HOL/LandingPage?collection=journals&handle=hein.journals/cjic17&div=6&id=&page>

Шунга қарамай, содир этилган ўзгартиришлар кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлай олмади.

## 1.2. КАМЧИЛИКЛАР ВА МУАММОЛАР

Кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради.

Таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас. Амалдаги таълим тизими замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмайди.

Мутахассислар тайёрлаш, таълим-тарбия тизими жамиятда бўлаётган ислохот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан боғланмаган.

Мактабгача таълим ва тарбия аҳволи қониқарсизлигича қолмоқда. Боғча ёшидаги болаларнинг 25 фоизигина мактабгача тарбия муассасаларига қамраб олинган, холос. Мактабгача болалар муассасаларидан ва оиладан мактабга келган болаларнинг тайёргарлик даражаси ўртасида сезиларли тафовут мавжуд.

Мактабларда ва бошқа ўқув юртларида таълим жараёнининг ўзидаги ва ўқитиш услубиятидаги ҳар хил камчиликлар оқибатида билим беришда юзага келган нодемократик ҳамда жамият учун зарарли муҳит шунга олиб келдики, ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қолаётти, оқилона ҳаётий ечимлар қабул қилиш учун етарли тайёргарлик йўқ. 9-11-синфларни тамомлаган ёшлар мустақил ҳаётда ўз ўрнини аниқлай олмайди. Уларда ўзларига ишонч шаклланиган эмас, ўрта мактаб битирувчиларининг 10 фоизигина олий ўқув юртларига ўқишга кирмоқда, холос.

Мажбурий тўққиз йиллик таълимга асосланган ўн бир йиллик умумий ўрта таълим илмий асосланмагандир, у ўқувчиларда касбга йўналтириш ва таълимнинг амалий йўналганлиги етарли даражада бўлиши ҳамда мустақил фикр юритиш, меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланишини таъминламаётти. Ҳар йили таянч мактабларнинг 100 минг нафарга яқин битирувчиси ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда касб-ҳунар таълимини давом эттириш учун талаб этилмай қолдирилмоқда.

Таълим тизимидаги мавжуд умумтаълим ва касб-ҳунар дастурлари ўртасида узвийлик ва ворисликнинг йўқлиги сабабли таянч ва ўрта мактаб битирувчиларида касбга йўналтирилганлик ва меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланимай қолаётти. Натижада йигит ва қизлар ўз қобилиятлари, истаклари, ижодий ва меҳнат мойилликларига монанд ҳаёт йўлини белгилаб олишда жиддий қийинчиликлар сезмоқдалар.

Ўқув жараёни билим даражаси ўртача бўлган ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, таълимнинг иқтидорли ёшлар билан яқка тартибдаги ўқув дастурлари бўйича ишлаш каби механизмларидан яхши фойдаланилмаётти, ўқув дастурлари мафкуравий сарқитлардан тўлиқ ҳоли бўлганича йўқ, уларда маънавий ва ахлоқ асосларини ўргатувчи, иқтисодий ҳуқуқий, эстетик билимларни берувчи фанларга етарлича ўрин берилмаётти.

Ҳунар-техника билим юртларидан янги типдаги таълим муассасаларига ўтиш кўпроқ оғизда бўлиб, амалда эса уларда таълим эскириб қолган моддий-техника ва ўқув-услубий базасида, тегишли қайта тайёргарликдан ўтмаган ўқитувчи кадрлар билан амалга оширилмоқда.

Бир босқичли олий таълим меҳнат бозори эҳтиёжларини, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни ва илғор халқаро тажрибани тўлиқ ҳажмда ҳисобга олмайди. ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ўқув юртлари етарлича мустақилликка эга эмас, улар касбий меҳнат бозорининг ўзгарувчан шароитларига яхши мослашиб бормаяпти.



## 1. МУАММОЛАР ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОХ

### ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

#### 1.1. РИВОЖЛАНИШНИНГ ЭРИШИЛГАН ДАРАЖАСИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва қатор чора-тадбирлар кўришни: «Таълим тўғрисида»ги Қонунни жорий этишни (1992-йил); янги ўқув режалари, дастурлари, дарсликларини жорий этишни, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқишни; ўқув юртлирини аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақозо этди.

Ушбу модулдан “ОАВ: текширув ва мониторинг” мавзусини “Мультимедиа журналистикаси” (4- курсда, икки семестр ўқитилади, умумий ҳажми 164 с, маъруза – 34 с, амалий машғулот -50 с, мустақил таълим – 80 с) фани таркибига киритилса, Интернет-ОАВ форматида журналист суриштируви ўтказиш бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилинади.

5А220103-Телевидение ва радиоэшиттириш магистратура мутахассислиги ўқув режасида “Телерадиожурналист суриштируви ва унинг ҳуқуқий асослари” мутахассислик фани таркибига мазкур модулдан “Одам савдоси доирасида жинсий эксплуатация масалаларининг ОАВда ёритилиши”, “Халқаро меҳнат миграцияси ва меҳнат эксплуатациясига оид журналист суриштируви”, “ОАВ ва одам органларини олишга қаратилган хьюман траффикинг”, “ОАВ ва хьюман траффикингга қарши курашнинг халқаро тизими” мавзуларини киритиш ва чуқурлаштириб ўқитиш мақсадга мувофиқ. Ушбу мавзуларни ўрганиш бўлажак телерадиожурналистда одам савдоси мавзусида суриштирув ўтказиш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилади.

ЎзДЖТУ 5220100-Журналистика (халқаро журналистика) таълим йўналиши бўйича 2-курсда ўқитиладиган “Таҳлилий журналистика” фани доирасида “Журналистика суриштируви” модули кўринишида куйидаги “Хьюман траффикингга кириш”, “Одам савдоси доирасида жинсий эксплуатация масалаларининг ОАВда ёритилиши”, “Халқаро меҳнат миграцияси ва меҳнат эксплуатациясига оид журналист суриштируви” каби мавзуларни ўқитилиши мақсадга мувофиқ.

5А220104 - Халқаро журналистика (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислиги доирасида “Халқаро шарҳ” фани ўқитилади. Мазкур фан доирасида “Одам савдоси доирасида жинсий эксплуатация масалаларининг ОАВда ёритилиши”, “Халқаро меҳнат миграцияси ва меҳнат эксплуатациясига оид журналист суриштируви”, “ОАВ ва одам органларини олишга қаратилган хьюман траффикинг”, “ОАВ ва хьюман траффикингга қарши курашнинг халқаро тизими” мавзуларини киритиш ва чуқурлаштириб ўқитиш ҳамда ёзишга ўргатиш мумкин.

## ХАВФСИЗЛИК ВА ЖУРНАЛИСТИКА

### Кириш

Ҳар қандай жамиятнинг ривожланиш асосларидан бири бу эркин сўзлаш ва ахборот олиш, ҳукумат ва бошқарув органлари фаолиятини назорат қилиш ҳамда улардан ҳисобот беришни талаб қилиш масаласи билан боғлиқдир. Шу боис журналистлар ўз фикрларини эркин билдириши уларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг биринчи сабабларидан ҳисобланади.

Ушбу курс журналистика ва оммавий коммуникация муҳитининг хавфсизлиги масалаларини ўрганишга қаратилган бўлиб, унинг таркибидан журналистика ва оммавий коммуникация муҳитининг ҳуқуқий жиҳатлари, журналист хавфсизлиги даражасини белгиловчи омиллар, журналистларга нисбатан мумкин бўлган таҳдидлар, рақамли хавфсизлик каби мавзулар ўрин олган.

### Фаннинг мақсади ва вазифалари

Фаннинг мақсади талабаларда журналист фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарурий кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Фаннинг мақсадлари талабаларга журналист фаолияти хавфсизлигининг ҳуқуқий жиҳатларини, журналист хавфсизлиги даражасини белгиловчи омилларни, журналистларга нисбатан юзага келадиган таҳдидлар, рақамли хавфсизликни таъминлашни ўргатишдан иборат.

### Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Ушбу фан доирасида талаба:

– хавфсизликнинг ҳуқуқий жиҳатлари, журналист хавфсизлиги диагностикаси, журналистга бўладиган таҳдидлар мазмуни ва кўринишлари, сифатли журналистика амалиётида хавфсизликни таъминлаш омиллари, рақамли хавфсизлик мазмуни ҳақида **тасаввурларга эга бўлиши керак;**

– хавфсизликнинг ҳуқуқий жиҳатларини, журналист хавфсизлиги диагностикасини, журналистга бўладиган таҳдидлар мазмуни ва кўринишларини, сифатли журналистика амалиётида хавфсизликни таъминлаш омилларини, рақамли хавфсизлик мазмунини **билиши ва улардан фойдалана олиши керак;**

– хавфсизликнинг ҳуқуқий асосларини қўллаш олиш, журналист хавфсизлиги диагностикасини амалга ошириш, журналистга бўладиган таҳдидлар мазмуни ва кўринишларини аниқлаш олиш, касбий фаолиятда хавфсизликни таъминлаш омилларини қўллаш олиш, рақамли хавфсизликни таъминлай олиш **кўникмаларига эга бўлиши керак;**

– хавфсизликнинг ҳуқуқий асосларидан фойдаланиш, журналист хавфсизлиги диагностикасини амалга ошириш, журналистга бўладиган таҳдидлар ва уларнинг кўринишларини аниқлаш ва таҳлил қилиш, касбий фаолиятда хавфсизликни таъминлаш омилларини қўллаш, рақамли хавфсизликни таъминлаш **малакаларига эга бўлиши керак.**

### Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Хавфсизлик ва журналистика” фани ихтисослик фани ҳисобланади. Мазкур дастурни амалга ошириш ЎзМУ5220100-Журналистика (фаолият турлари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги гуманитар ва ижтимоий иқтисодий (педагогика, психология), умумкасбий фанлар (ахборот психологик хавфсизлик) ва танлов (янги Интернет технологиялари ва замонавий таҳдидлар) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиш талаб этилади.

5А220103 – Телевидение ва радиоэшиттириш магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги (Миллий ғоя: Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожланиш стратегияси, психология) мутахассислик (фавкулда вазиятларда телерадиожурналистика) ва танлов (махсус фанларни ўқитиш методикаси) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиш талаб этилади. (ЎзДЖТУ халқаро журналистика ва ҚҚДУ журналистика бўлими

муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим оловчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатилади.

**LexUZ шарҳи**

*Қаранг: «Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган ҳамда узоқ вақт довланишига муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиши тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2691, 30.06.2015-й.).*

### 19-модда. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар

Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат оилада таълим олган ёки мустақил равишда билим олган ва аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича экстерн тартибда имтиҳонлар топширган шахсларга ҳам берилади, давлат таълим муассасаларида ўқитилиши шарт бўлган ва рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйиладиган мутахассисликлар бундан мустасно.

**LexUZ шарҳи**

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015-йил 29- январдаги 16-сонли «Давлат олий таълим муассасаларида экстернат асосида ўқиш амалга оширилмайдиган бакалавриат таълими йўналишлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.*

Олий маълумот тўғрисидаги дипломга ўзлаштирилган фанлар рўйхати, уларнинг ҳажмлари ва фанларга қўйилган баҳолар ёзилган варақа илова қилинади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Диссертация ҳимоя қилган шахсларга белгиланган тартибда фан доктори илмий даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади.

*(19-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013-йил 7- октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2013-й., 41-сон, 543-модда)*

Давлат таълим стандартларига мос келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатларнинг ҳукуматлари ўртасидаги икки томонлама битимлар асосида ҳар икки томоннинг маълумот тўғрисидаги ҳужжатлари белгиланган тартибда ўзаро тан олинishi мумкин.

Тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахсларга белгиланган намунадаги маълумотнома берилади.

Давлат тасдиқлаган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат навбатдаги босқич таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш ёки тегишли ихтисослик бўйича ишлаш ҳуқуқини беради.

**LexUZ шарҳи**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000-йил 25-июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган «Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида»ги Низом иловасининг («Расмий давлат ҳужжатлари») IV-бўлимига мувофиқ, 1) тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома; 2) ўрта маълумот тўғрисида аттестат; 3) ўрта махсус ва касб-ҳунар маълумоти тўғрисида диплом; 4) олий маълумот тўғрисида диплом; 5) фан номзоди ёки доктори дипломи маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар ҳисобланади.*

**LexUZ шарҳи**

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 2-июндаги 235-сонли «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатноманинг давлат намунасини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.*



Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, илмий даража ва илмий унвонлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

*(15-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013-йил 7- октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2013-й., 41-сон, 543-модда)*

[LexUZ шарҳи](#)

*Қўшимча маълумот учун қаралсин: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 24-июлдаги ПФ-4456-сонли «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 28- декабрдаги 365-сонли «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, «Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2795, 08.06.2016-й.), «Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаши тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2796, 08.06.2016- й.), «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2764, 17.02.2016-й.), «Эксперт кенгаши тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2443, 25.03.2013-й.), «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2793, 03.06.2016-й.).*

#### **16-модда. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш**

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

[LexUZ шарҳи](#)

*анг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006- йил 16-февралдаги 25-сонли «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.*

[LexUZ шарҳи](#)

*Қўшимча маълумот учун қаралсин: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001-йил 4-октябрдаги 400-сонли «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Ушбу қарор билан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими педагог ва муҳандис-педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларининг рўйхати тасдиқланган.*

#### **17-модда. Мактабдан ташқари таълим**

Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар қиради.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

[LexUZ шарҳи](#)

*Қўшимча маълумот учун қаралсин: Вазирлар Маҳкамасининг 1995-йил 18- февралдаги 59-сон қарори билан тасдиқланган «Мактабдан ташқари таълим муассасаси тўғрисида»ги низом.*

#### **18-модда. Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш**

Давлат оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда таълим олиш тегишли таълим

бакалаврият ва магистратура мутахассисликлари ўқув режаларидаги тегишли фанлар ҳисобга олинади).

#### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

“Хавфсизлик ва журналистика” фани бўлажак мутахассис ОАВда ҳам ижодий, ҳам технологик жиҳатдан хавфсиз фаолият олиб бориш бўйича зарур кўникма ва малакаларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ушбу курс ОАВ соҳасининг ажралмас бўғини ҳисобланади.

#### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талаба “Хавфсизлик ва журналистика” фанини ўзлаштириши учун инновацион усулларидан фойдаланиши, янги педагогик, ахборот ва Интернет технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий кўланмалар, модуль топшириқлари, тарқатма материаллар, мультимедиа воситалари)дан фойдаланиш тавсия этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда турли усул ва воситалардан, хусусан, баҳс-мунозара, ролли ва дидактик ўйинлар, кейс-стади, кичик гуруҳларда ишлаш, тақдимоғ ўтказиш, шунингдек, компьютер дастурларидан, Интернет тизимларидан фойдаланиш кўзда тутилади.

#### **Асосий қисм**

#### **Фаннинг назарий машғулоти мазмуни.**

#### **“Хавфсизлик ва журналистика” фанининг мазмуни, предмети ва методи**

Фаннинг мазмуни. ОАВда хавфсиз касбий фаолият юритишни ўрганиш зарурати. Хавфсиз журналистик фаолиятини олиб боришнинг долзарб масалалари. Фаннинг предмети ва объекти. Фаннинг методи ва унинг элементлари. “Хавфсизлик ва журналистика” фанида хусусий методларнинг қўлланиши.

#### **Хавфсизликнинг ҳуқуқий жиҳатлари**

Сўз эркинлиги ва журналист хавфсизлигининг ўзаро боғлиқлиги. Сўз эркинлиги ва ахборот олиш кафолатларининг халқаро ҳуқуқий негизлари. Ахборот фаолияти хавфсизлигининг ҳуқуқий асослари. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси ва хавфсизлик масалалари.

#### **Журналистлар хавфсизлиги диагностикаси**

Журналист хавфсизлигининг глобал, минтақавий ва маҳаллий даражалардаги чегаралари. Турли вазиятларда журналист хавфсизлигини такомиллаштиришнинг муҳимлиги. Турли минтақаларда журналист хавфсизлигини таъминлашга қаратилган меъёрий ҳужжатлар мазмуни.

#### **Журналистларга бўладиган таҳдидлар**

Журналистларга бўлган таҳдид кўринишлари. Таҳдид сабаблари. Аёл журналистларга бўлган таҳдидларнинг ўзига хослиги.

#### **Таҳдидларни бартараф этишда сифатли журналистика усуллари**

Таҳдидларга қарши кураш мазмуни. Таҳдидларни чеклаш усуллари. Сифатли журналистика доирасида журналистга бўлган таҳдидларни бартараф этиш.

### Рақамли хавфсизликни таъминлаш

Интернет провайдер, электрон почта ёзишмаси, телефон ёзувлари, ёмон ахборот маҳсулотларини назорат қилиш. Журналист хавфли вазиятга тушишини англаш. Медиаконтентдаги маълумотларнинг хавфсизлиги.

Телефон ва электрон почтага бўладиган таҳдидлар. Ускуналар, серверга ва булутли технологияларга бўлган таҳдидлар. Вебсайт ва сезгир маълумотларга таҳдидлар. Таҳдидларга қарши ҳаракатлар: мониторинг, гигиена, ҳамжихатлик ва қонун доирасида фаолият юритиш.

### Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш орқали талабалар билимини ошириш ва бошқалар тавсия этилади.

Бундан ташқари, амалий машғулотларда турли ОАВда журналист касбий хавфсизлигини таъминловчи омилларни ўрганиш асосида амалий кўникмалар ҳосил қилиш, ўзлаштирилган билимлар асосида муайян таҳририятда журналист хавфсизлиги моделини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш кўзда тутилган.

### Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

1. Сўз эркинлиги ва ахборот олиш кафолатларини таъминлайдиган халқаро меъёрий ҳужжатлар.
2. Ахборот фаолияти хавфсизлигининг ҳуқуқий асослари. Ахборот соҳасида қонунбузарликнинг жазоланмаслиги оқибатлари.
3. Журналист хавфсизлигининг глобал, минтақавий ва маҳаллий даражалардаги чегаралари.
4. Турли минтақаларда журналист хавфсизлигини таъминлашга қаратилган меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни.
5. Журналистлар хавфсизлигини таъминлашда қонунчилик такомиллашувининг аҳамияти.
6. Жаҳоннинг турли минтақаларида журналистларга бўлган таҳдид кўринишлари. Ушбу таҳдидларнинг уруш ҳолати, наркотрафиклар, коррупция, сиёсатчилар фаолияти, ёмон таъминот билан боғлиқлиги.
7. Аёл журналистларга бўлган таҳдидлар мазмуни.
8. Сифатли журналистика доирасида журналистга бўлган таҳдидларни бартараф этиш. Бу борадаги жаҳон амалиёти таҳлили.
9. Рақамли хавфсизликнинг журналист ва коммуникаторлар фаолиятидаги аҳамияти. Таҳдидлар, кибер ҳужумлар ва рақамли ўғриликларни қамайтириш усуллари.

*Изоҳ:* Мазкур рўйхатдаги мавзулардан талаба 5-6 тасини ўзлаштириши шарт. Улардан амалий машғулотлар учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.

### Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Мустақил ишни ташкил этишда унга мўлжалланган ҳар бир бўлим бўйича адабиётлар талаба томонидан ўрганилиши, мустақил иш учун мўлжалланган назарий ва амалий билим мавзуларини ўзлаштириш, ҳар бир бўлим бўйича берилган топшириқларнинг талаба томонидан бажарилиши талаб қилинади. Жараён ўқитувчи томонидан узлуксиз назорат қилинади.

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- матбуот материаллари билан ишлаш, уларни таҳлил қилиш, шарҳлаш;
- фан доирасида ўз ижодий чиқишларини тайёрлаш;

### LexUZ шарҳи

*Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008-йил 7-августдаги 173-сонли «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.*

### 13-модда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари эгалланган касб-ҳунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-ҳунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-ҳунар ўқув юртидир.

### LexUZ шарҳи

*Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 6-июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида»ги низом.*

### 14-модда. Олий таълим

Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалаврият ва магистратурага эга.

Бакалаврият олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

### LexUZ шарҳи

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015-йил 2-мартдаги 36-сонли қарори билан тасдиқланган «Магистратура тўғрисида»ги низом.*

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

### LexUZ шарҳи

*Қўшимча маълумот учун қаранг: «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1844, 21.08.2008-й.).*

### 15-модда. Олий ўқув юртидан кейинги таълим

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (катта илмий ходим-изланувчилар институти, мустақил изланувчилик) олиниши мумкин.

*(15-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013-йил 7- октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2013-й., 41-сон, 543-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 5-январдаги 5-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат таълим стандартлари тўғрисида»ги низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 16-августдаги 390-сонли «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2000-йил 16-октябрдаги 400-сонли «Ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2001-йил 16-августдаги 343-сонли «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари.

#### **8-модда. Таълим бериш тили**

Таълим муассасаларида таълим бериш тилидан фойдаланиш тартиби Давлат тили ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

## **II. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ТУРЛАРИ**

#### **9-модда. Таълим тизими**

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

#### **10-модда. Таълим турлари**

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махсус, касб-хунар таълими;

олий таълим;


олий ўқув юртидан кейинги таълим;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

мактабдан ташқари таълим.

#### **11-модда. Мактабгача таълим**

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

 LexUZ шарҳи

Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007-йил 25-октябрдаги 225-сонли «Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

#### **12-модда. Умумий ўрта таълим**

Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича:

бошланғич таълим (I–IV- синфлар);

умумий ўрта таълим (I–IX- синфлар).

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшидан қабул қилинади.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкин.

- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш;
- фаннинг долзарб муаммоларини қамраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш талаба томондан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билимини мустақамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзуни пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

#### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Фан бўйича тавсия этилган адабиётларни ўрганиш. Амалий машғулотларга тайёрланиш.
2. Сўз эркинлиги ва ахборот олиш кафолатларининг халқаро ҳуқуқий негизлари.
3. Ахборот фаолияти хавфсизлигининг ҳуқуқий асослари.
4. Журналист хавфсизлигининг глобал, минтақавий ва маҳаллий даражалардаги чегаралари.
5. Турли минтақаларда журналист хавфсизлигини таъминлашга қаратилган меъёрий ҳужжатлар мазмуни.
6. Журналистларга бўлган таҳдид кўринишлари. Аёл журналистларга бўлган таҳдидларнинг ўзига хослиги.
7. Таҳдидларни чеклаш усуллари. Сифатли журналистика доирасида журналистга бўлган таҳдидларни бартараф этиш.
8. Рақамли хавфсизликни таъминлаш омиллари. Телефон ва электрон почтага, ускуналар, серверга ва булутли технологияларга, вебсайт ва сезгир маълумотларга бўладиган таҳдидларга қарши кураш.

*Изоҳ:* Мазкур рўйхатдаги мавзулардан мустақил таълим учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Тавсия этилаётган адабиётлар:**

1. Universal Declaration of Human Rights: [www.un.org/en/documents/udhr/index.shtml](http://www.un.org/en/documents/udhr/index.shtml)
2. International Covenant on Civil and Political Rights: [http://treaties.un.org/doc/Publication/UNTS/Volume per cent20999/volume-999-I-14668-English.pdf](http://treaties.un.org/doc/Publication/UNTS/Volume%20per%20cent20999/volume-999-I-14668-English.pdf)
3. African Charter on Human and Peoples' Rights: [www.unhcr.org/refworld/type,MULTILATERALTREATY,OAU,,3ae6b3630,0.html](http://www.unhcr.org/refworld/type,MULTILATERALTREATY,OAU,,3ae6b3630,0.html)
4. American Convention on Human Rights: [www.oas.org/dil/treaties\\_B32\\_American\\_Convention\\_on\\_Human\\_Rights.pdf](http://www.oas.org/dil/treaties_B32_American_Convention_on_Human_Rights.pdf)
5. American Declaration of the Rights and Duties of Man: [www.cidh.oas.org/Basicos/English/Basic2.american per cent20Declaration.htm](http://www.cidh.oas.org/Basicos/English/Basic2.american%20Declaration.htm)
6. European Convention on Human Rights: [www.echr.coe.int/NR/rdonlyres/D5CC24A7-DC13-4318-B457-5C9014916D7A/0/Convention\\_ENG.pdf](http://www.echr.coe.int/NR/rdonlyres/D5CC24A7-DC13-4318-B457-5C9014916D7A/0/Convention_ENG.pdf)
7. SAFETY AND JOURNALISM200
8. Arab Charter on Human Rights: [www.unhcr.org/refworld/docid/3ae6b38540.html](http://www.unhcr.org/refworld/docid/3ae6b38540.html)
9. Constitutions of the world: [www.constitution.org/cons/natlcons.htm](http://www.constitution.org/cons/natlcons.htm)  
Access to information laws: overview and statutory goals: [http://right2info.org/access-to-information-laws/access-to-information-laws-overview-and-statutory#\\_ftnref7](http://right2info.org/access-to-information-laws/access-to-information-laws-overview-and-statutory#_ftnref7)
10. Committee to Protect Journalists (CPJ). 2012. Getting away with murder: CPJ's 2012 Impunity Index. <http://cpj.org/reports/CPJ.2012.Impunity.Index.pdf>



11. Reporters Without Borders. Press Freedom Index 2011/2012. [http://en.rsf.org/IMG/CLASSEMENT\\_2012/C\\_GENERAL\\_ANG.pdf](http://en.rsf.org/IMG/CLASSEMENT_2012/C_GENERAL_ANG.pdf)
12. United Nations. General Assembly. Human Rights Council. Report of the Special Rapporteur on the promotion and protection of the right to freedom of opinion and expression, Frank La Rue, A/HRC/20/17, 4 June 2012.
13. <http://daccess-ddsny.un.org/doc/UNDOC/GEN/G12/137/87/PDF/G1213787.pdf?OpenElement>
14. UNESCO. Media Development Indicators: a framework for assessing media development. <http://unesdoc.unesco.org/images/0016/001631/163102e.pdf>
15. UNESCO. Report of UNESCO's Director-General on the Safety of Journalists and the Danger of Impunity.
16. [www.unesco.org/new/ru/leadmin/MULTIMEDIA/HQ/CI/CI/images/Themes/Freedom\\_of\\_expression/Safety\\_Report\\_by\\_per\\_cent20DG\\_2012.pdf](http://www.unesco.org/new/ru/leadmin/MULTIMEDIA/HQ/CI/CI/images/Themes/Freedom_of_expression/Safety_Report_by_per_cent20DG_2012.pdf)
17. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). Human trafficking indicators. [www.unodc.org/pdf/HT\\_indicators\\_E\\_LOWRES.pdf](http://www.unodc.org/pdf/HT_indicators_E_LOWRES.pdf)
18. Committee to Protect Journalists. Journalist security guide. <http://cpj.org/security/guide.pdf>
19. International Federation of Journalists. Live News: A Survival Guide for Journalists. [www.ifj.org/assets/docs/130/082/d325b82-f8ef152.pdf](http://www.ifj.org/assets/docs/130/082/d325b82-f8ef152.pdf)
20. Organization for Security and Co-operation in Europe (OSCE). Safety of Journalists Guidebook. <http://www.osce.org/fom/85777>
21. UNESCO-Reporters Without Borders. Handbooks for Journalists. [http://issuu.com/rsf\\_webmaster/docs/handbookissuu?mode=window&backgroundcolor=percent23222222](http://issuu.com/rsf_webmaster/docs/handbookissuu?mode=window&backgroundcolor=percent23222222)
22. UNESCO. The Global Casebook of Investigative Journalism. <http://unesdoc.unesco.org/images/0021/002176/217636e.pdf>
23. UNESCO. Story-Based Inquiry: a Manual for Investigative Journalists. <http://unesdoc.unesco.org/images/0019/001930/193078e.pdf>
24. Digital and Mobile Security for Mexican Journalists and Bloggers [www.icfj.org/sites/default/files/Digital\\_and\\_Mobile\\_Security\\_English.pdf](http://www.icfj.org/sites/default/files/Digital_and_Mobile_Security_English.pdf)
25. Digital Security and Journalists: A Snap Shot of Awareness and Practice in Pakistan: [www.internews.org/sites/default/files/resources/Internews\\_PK\\_Secure\\_Journalist\\_2012-08.pdf](http://www.internews.org/sites/default/files/resources/Internews_PK_Secure_Journalist_2012-08.pdf)
26. [https://securityinabox.org/www.frontlinedefenders.org/files/en/eseaman.en\\_.pdf](https://securityinabox.org/www.frontlinedefenders.org/files/en/eseaman.en_.pdf)

#### **Ўзбекистонда ушбу курснинг жорий этилишига оид услубий таклиф ва тавсиялар:**

ЎзМУ 5220100-Журналистика (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги “Янги Интернет технологиялари ва замонавий таҳдидлар” (3- курсда бир семестр ўқитилади, умумий соат ҳажми 66 с. Маъруза – 16 с, амалий машғулот – 20 с, мустақил таълим – 30 с) фани таркибига мазкур модулдан “Рақамли хавфсизлик” мавзусини киритиш рақамли хавфсизликни таъминлашга оид талабаларда тегишли амалий кўникмалар ҳосил қилинади.

5A220103 – Телевидение ва радиоэшиттириш магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги “Фавкулда вазиятларда телерадиожурналистика” (1-семестрда ўқитилади, умумий ҳажми 76 с, маъруза -20 с, амалий машғулот -20 с, мустақил таълим -36 с) фани таркибига “Журналистлар хавфсизлиги диагностикаси”, “Журналистларга бўладиган таҳдидлар” мавзуларини киритиш фан мазмунига янги жиҳатларни киритиш ва бунинг асосида тегишли янги амалий кўникмаларни ҳосил қилишга имкон беради.

ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети бакалаврият 2-босқичида ўқитиладиган “Очиқ ахборот тизимларида ахборий-психологик хавфсизлик” курсининг жами соати 64 соат (18 соат маъруза, 20 соат семинар, 26 соат мустақил таълим)ни ташкил этади. Курс таркибига алоҳида модул сифатида “Рақамли хавфсизлик”, “Журналистлар хавфсизлиги диагностикаси”, “Журналистларга бўладиган таҳдидлар” мавзуларини киритиш мақсадга мувофиқ.

оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибда аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга.

Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

#### **5-модда. Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи**

Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Педагог ходимларни олий ўқув юртлигига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

Педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

#### **6-модда. Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми**

Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатли давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

#### **LexUZ шарҳи**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 24- июндаги 293-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тўғрисидаги Низомга мувофиқ, таълим муассасаларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказишни ташкил этиши ва амалга ошириши, таълим муассасалари рейтингини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.*

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

#### **LexUZ шарҳи**

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006-йил 10- февралдаги 21-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом.*

Таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади.

#### **LexUZ шарҳи**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 5-январдаги 5-сонли қарори билан таълим муассасалари уставини ишлаб чиқиш Тартиби тасдиқланган.*

Таълим муассасаси аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин.

Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуиларига ҳамда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли.

Таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли.

#### **7-модда. Давлат таълим стандартлари**

Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

#### **LexUZ шарҳи**



## ИЛОВАЛАР

### ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР ВА МАЪЛУМОТЛАР

#### ИЛОВА 1.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997-й., 9-сон, 225-модда; 2013-й., 41-сон, 543-модда)

#### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

##### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

##### 2-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида таълим соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### 3-модда. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;

ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар

коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;

таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

##### 4-модда. Билим олиш ҳуқуқи

Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, этникоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Билим олиш ҳуқуқи:

давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек

таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-хунар ўргатиш;

барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

ЎЗМУ, ҚДУ ВА ЎЗДЖТУ да журналистларни тайёрлаш бўйича янги ўқув дастурлари моделларини жорий этишга доир лойиҳалар

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ва Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети журналистика бўлимида ЮНЕСКО дастурларини мослаштириш имкониятлари

№	ЮНЕСКО дастури	Курс	Юклама ҳажми, соат	ЎЗМУ ва ҚҚДУ даги ўқув модуллари таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар	Танланган мавзулар	Курс	Юклама ҳажми, соат
1	Медиа барқарорлик	Бак-г, 4-курс	24	“ОАВ иқтисодиёти ва менежменти асослари” фани таркибига мазкур дастурдан алоҳида мавзуларни киритиш мумкин	Медиа барқарорлик Бизнес-моделлар ва молиявий манбаларнинг аҳамияти	Бак-г, 4-чи курс	3
2	Дата журналистика	Бак-г, 2 ёки 3-курс	50	“Оммавий ахборот воситалари социологияси ва психологияси” фани таркибига мазкур дастурдан алоҳида мавзуларни киритиш	Тадқиқотлар ва статистика тамойиллари Электрон жадваллар билан ишлаш Маълумотлар таҳлили: синов ўтказиш ва хулосалар Веб-воситалар ёрдамида инфографика тайёрлаш	4 4 4 4	4

3	Маданиятлар-аро журналистика	Бакалав-рият, 3 курс ёки магистратура, 1-курс	48	Ўқув жараёнига "ОАВ ва маданиятларо коммуникация" номли махсус курс киритиш	ЮНЕСКО барча киритиш мувофиқ	36
4	Глобал журналистика	Бакалав-рият, 4- босқич	45 ёки 90	5A220101-Журналистика (газета ва журналлар) магистратура мутахассислиги "Ахборот жамияти назарияси" фани таркибига мазкур дастурнинг алохида мавзуларини киритиш мақсадга мувофиқ	Медиа тизимлар (турли миллий тизимлар)нинг киёсий тахлили Журналистика таълими моделлари (танлов хафтаси – минтақадаги шароит ва ўқитувчининг қарорига мувофиқ)	4
5	Илмий журналистика, инкорпоратив биоэтика	ихтисослашув доираси-да	аниқ эмас	5A220101-Журналистика (газета ва журналлар) магистратура мутахассислиги «Матбуотда экология талқини» фани таркибига мазкур дастурнинг 2та мавзусини киритиш	Биоэтика Олимлар ва ОАВ ўртасидаги муносабатлар Соғлиқни сақлаш мавзуида материаллар тайёрлаш (Health reporting) Фан ва "сохта фан" (pseudoscience)	4 2 4 2

## ХУЛОСА

Ўзбекистондаги ОАВ қиёфаси, фаолияти мазмуни кун сайин ўзгариб бормоқда. Миллий давлат ва нодавлат телерадиоканаллар эфирида, газета ва журналлар саҳифаларида, ошқоралик, Интернет ОАВ муҳитида тахлилий ва танқидий чиқишларнинг ҳиссаси ўсиши яққол кўзга ташланмоқда. Миллий журналистика жамиятнинг мустақил ижтимоий-сиёсий институти сифатида ўз овозини мустаҳкамлаши, мамлакатнинг туб янгиланиши жараёнларида фаол иштирок этиши учун бугун ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви билан биргаликда жаҳон масс-медияларининг тўплаган ижобий тажрибаларини ўзлаштириши ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда.

ЮНЕСКО экспертлари томонидан охириги ўн йилликда журналистика ва оммавий коммуникация соҳасининг турли йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган ва тавсия этилаётган ўқув модуллари ҳам Ўзбекистон каби ёш мустақил давлатлар журналистикаси ва ахборот соҳаси учун олий тоифадаги мутахассисларни тайёрлаш жараёнининг тараққий этишига жиддий услубий кўмак бериши шубҳасиз. Чунки ҳозирги замон жаҳон журналистикасининг турли жабҳаларида тўпланган касбий амалиёт, нафақат глобал таҳдид-муаммоларни минтақа ва миллий миқёсдаги ОАВ чиқишлари орқали ҳал этилишига таъсир кўрсатишига, балки миллий ОАВнинг ҳам глобал ахборот майдонидаги мавқеини мустаҳкамлашга замин яратади. Бу эса ЮНЕСКО нинг ягона, лекин кўп овозли дунёни, маданиятлараро мулоқотни таъминлаш ва ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатлари ҳаётга татбиқ этилаётганининг яна бир ифодасидир.

Ушбу услубий қўлланма Ўзбекистон олий журналистика таълим марказлари профессор-ўқитувчиларига янги авлод таълим стандартлари, малака талабалари, ўқув режа ва ўқув дастурлари ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмаларининг яратилишида амалий ёрдам кўрсатишига тузувчилар умид қиладилар.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ. 2017 йил 7 февралда қабул қилинган.// Халқ сўзи, 2017, 8-феврал.
2. Преобразование нашего мира: Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. Принята 25 сентября 2015 года на 70-м юбилейном саммите Генеральной Ассамблеи ООН.// www.unesco.org.
3. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига.// Халқ сўзи, 2016, 28-июнь.
4. Тартуская декларация Европейской ассоциации подготовки журналистов. Тарту, Эстония, 10 июня 2006 г. <http://ejta.nl/>
5. Модель учебной программы по журналистике. Серия ЮНЕСКО по образованию для журналистов. Кластерное бюро ЮНЕСКО в Алматы по Казахстану, Кыргызстану, Таджикистану и Узбекистану. – Алматы, 2009.
6. Модели учебной программы по журналистике. Серия ЮНЕСКО по образованию для журналистов- 2013

**Ўзбекистон Давлат асхон тиллари университетини  
халқаро журналистика факультетини  
ЮНЕСКО дастурларини мослаштириш имкониятлари**

№	ЎЗДЖТУ халқаро журналистика факультетини ўқув дастурлари	Курс	Юклама ҳажми, соат	ЮНЕСКО дастурлари	Танланган мавзулар	Юклама ҳажми, соат
1.	Журналистикада АКТ	4	76	Дата журналистика	дастурнинг барча мавзулари киритилади (дастур номи билан)	76
2.	Медиа менежмент ва медиа маркетинг	3	256	Медиа барқарорлик	Дастур мавжуд ўқув дастурининг алоҳида бўлими сифатида киритилади	36
3.	Танлов фан	4	38	Маданиятлараро журналистика	Миллий хусусиятларга мослаштирилган ҳолда дастурнинг барча мавзулари номи билан камраб олинади	48
4.	Танлов фан	4	38	Илмий журналистика	Дастурнинг алоҳида мавзулари киритилади(Олимлар ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар	70
5.	Экожурналистика	3	38	Илмий журналистика, бирлаштирувчи биоэтика	Дастурнинг алоҳида мавзулари мавжуд ўқув дастурига киритилади (биоэтика, саломатлик масалалари, атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши)	70
6	Қўшимча фан + Одам савдоси (8 соат)	2	56	Гуманитар журналистика	Дастур номи билан тўлақон тарзда “Одам савдосига оид материал тайёрлаш” дастурининг 4та мавзуси қўшимчаси билан киритилади	44 + 8
7	Қўшимча фан	2	38	Хавфсизлик журналистика	Дастур тўлақон ва «Очиқ ахборот тизимларида ахборот психологик хавфсизлик» фанининг мавзулари билан қўшилган тарзда киритилади	18

**Изоҳ:** ЮНЕСКО таклиф этаётган ушбу дастурлари бўйича Ўзбекистонда амалга киритиладиган 220 000 – Журналистика ва ахборот таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, журналистика таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича малака талабларининг тегишли бандларига бакалавр ва магистрларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабларнинг киритилиши ва улар асосида намунавий ўқув дастурларининг мазмунига ҳам қўшимча ва ўзгартришлар киритилиши назарда тутилади.

6	Гендер журналистика	Бакалавр-риат ёки магистратура доирасидаги курс	Аник эмас	Мазкур модулни алоҳида ихтисослик фани сифатида ўқув режасига киритиш	ЮНЕСКО модулидаги барча мавзуларни танлов фан таркибига киритиш мақсадга мувофиқ	20
7	Гуманитар журналистика	Бакалавр-риат, 4-курс	44	5A220101-Журналистика (газета ва журналлар) магистратура мутахассислиги «Хуқуқий журналистика» фани таркибига мазкур дастурнинг мавзулари алоҳида бўлим сифатида киритиш	Инсон хуқуқлари журналистикаси-нинг тарихий ва концептуал асослари Инсон хуқуқларига мавзуда журналист материални тайёрлаш ва инсон хуқуқлари журналистикаси Журналистика ва инсон инсон БМТнинг хуқуқлари бўйича Хартияси Журналист инсон хуқуқларининг “қўриқчиси” сифатида Журналист суриштируви ва гуманитар журналистика	4 2 4 2 4
					Журналист нейтрал ёки маънавий гувоҳ сифатида Хуқук ва этика гуманитар журналистика-нинг таркибий муаммолари сифатида	2 4

						Гуманитар таназзуллардаги стереотиплар. Гуманитар таназзулларни манипуляция қилиш ва уларни ёритишда бирёқ-ламалик муаммо-си. Гуманитар журналистика билан боғлиқ хавф-хатарлар	-/-	4
8	Журналист суриштируви(ОА Вда одам савдоси муаммосини ёритиш мисолида)	Бакалав-рият, 4-курс	48	5A220101-Журналистика (газета ва журналлар) магистратура мутахассислиги «Хуқуқий журналистика» фани таркибига мазкур дастурнинг мавзулари алоҳида бўлим сифатида киритиш	Хьюман траффикингга кириш.Одам савдосининг ҳуқуқий дефиницияси. Суриштирув мониторинг	Магистрату-ра, 1-курс	4	
					Одам савдоси доирасида жинсий эксплуатация масалаларининг ОАВда ёритилиши		2	
					Халқаро меҳнат миграцияси ва меҳнат эксплуатацияси оид журналист суриштируви		2	
					ОАВ ва одам органларини олишга қаратилган хьюман траффикинг		2	

					ОАВ ва хьюман траффикингга қурашнинг халқаро тизими		2
9	Хавфсизлик ва журналистика	Бакалав-рият тизимида	17	5220100-Журналистика (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги “Янги Интернет технологиялари ва замонавий таҳдидлар” фанига ЮНЕСКО дастуридан битта мавзун и киритиш	Рақамли хавфсизлик	Бакалаврият, 3- босқич	4
				5A220103 – Телевидение ва радиоэшиттириш магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги “Фавқулодда вазиятларда телерадиожурна-листика” фани таркибига иккита мавзун и киритиш	“Журналистлар хавфсизлиги диагностикаси”	Магистрату-ра, 1- босқич	4
					“Журналистларга бўладиган таҳдидлар”		4

Бундан ташқари Қорақалпоқ Давлат университети журналистика бўлими мутахассислари ўз ўқув режасига яна “Медиаасаводхонлик” дастурини киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.